Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 7 июнь 1973 йил, пайшанба № 132 (15.606). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

✦ ПАХТАЗОРЛАРНИ БЕГОНА ЎТЛАРДАН ТОЗАЛАНГ, ҒЎЗАЛАРНИНГ ТЕЗ ЎСИБ РИВОЖЛАНИШИ, ШОНАЛАБ, ГУЛЛАШИГА ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИНГ.

✦ СУҒОРИШНИ КУЧАЙТИРИНГ, СУВДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНИНГ.

✦ ҚАТОР ОРАЛАРИНИ ИШЛАШНИ АВЖ ОЛДИРИНГ, КУЛЬТИВАТОРЛАР ИШ ОРГАНИНИНГ МУКАММАЛ БЎЛИШИГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ.

✦ ИЮНЬ ОЙИДА ҒЎЗАЛАРНИ КАМИДА ИККИ МАРТА ОЗИҚЛАНТИРИНГ.

✦ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИ БУТУНЛАЙ ЙЎҚОТИНГ.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ТУРАҚУРҒОН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Район чорвадорлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга пландаги 360 тонна ўрнига 931 тонна серқаймоқ сут етказиб бериб, ярим йиллик планни бажардилар. Бу, ўтган йилнинг шу давридагидан 152 тонна кўпдир.

Эришилган зафарга Калинин номли, «Намуна» ва Димитров номли колхозларнинг сут соғувчилари баракали ҳисса қўшдилар.

* * *

ЗАДАРЁ. Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган район бўрдоқибоқарлари ярим йиллик гўшт сотиш планини 101 процент бажардилар. Давлат қабул пунктларига 278 тонна семиз гўшт топширилди.

Чорвадорлар иккинчи квартал охиригача яна 80 тонна гўшт топширишга аҳд қилдилар.

* * *

Косон районидаги «Партия XXII съезди» колхози чорвадорлари зафар қучдилар. Давлат қабул пунктларига 42 тонна бўрдоқи гўшти топширилиб, йиллик план муддатидан илгари ошириб бажарилди.

Мажбурият ҳисобига гўшт сотиш давом этяпти.

* * *

Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Калинин районидаги Калинин номли колхоз чорвадорлари зафар қучдилар. Давлатга 270 тонна серқаймоқ сут сотилиб, ярим йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Бу ғалабага Ш. Примова, Т. Отаметова, Т. Қодирова, М. Памятникова сингари илғор сут соғувчилар муносиб ҳисса қўшдилар.

* * *

Қурилаётган Навоий цемент заводига темир йўл шоҳобчаси ётқизиш бошланди. Йўл қурилишида Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Гелфан Гелаев бошчилигидаги илғор бригада меҳнат қилмоқда. Урта Осиё цемент саноатининг бўлажак улкан корхонаси майдончасигача бўлган ерга тупроқ тўкиш ишлари тугалланди. Бу ерда иш олиб борайётган 151-қурилиш-монтаж поездининг коллективи графикдан ўзиб меҳнат қилмоқда.

* * *

НАМАНГАН. («Совет Ўзбекистони мухбири). Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган область чорвадорлари давлатга сут сотиш ярим йиллик планини бажардилар. Давлатга 12 минг 417 тонна ёғи ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 1100 тонна кўп сут етказиб берилди.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИ — ЗАРБДОР ФРОНТ

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Илғор хўжаликларда ғўза парваришн кучайтирилмпти. Эгат олиш, ўғит солиш, суғориш, культивация, чопиқ, зараркунандаларга қарши кураш бир-бирига уйғунлаштириб борилиш туфайли ўсимлик қийғос шоналаб, гуллаяпти. Ильич районидаги Титов номли 6-совхозда ғўза парваришини кучайтириш борасида нималар қилинди, яна нималар қилинади? Мухбиримизнинг шу хўжалик директори Саттор Усмонов билан суҳбати шу ҳақда боради.

— Кейинги икки йилда пахта майдонини кенгайтириш ва пахтани кўпайтириш соҳасида нималар қилинди?

— Бултур 6047 гектар ерда ғўза ўстирган эдик, бу йил 6.600 гектар майдонда ўстирямиз. Бултур давлатга 18.000 тонна пахта армуғон этдик, шундан 14.000 тоннаси машиналарда терилди. Бу йил 20 минг тонна пахта берамиз, 80 процент ҳосилни машиналарда терамиз.

— Ғўза парваришнинг борини қандай?

— Учинчи культивация тамом бўлди, асосий майдонлардаги ғўзаларни бир марта, кам ривожланганларини икки марта озиқлантирдик. Ғўзаларни суғориш учун 4 минг гектар ерга эгат олиб бўлинди, шундан 3 минг гектари биринчи сувдан чиқарилди. Узоги билан 7-10 кунда эгат олиш ҳам, биринчи сув ҳам тўла тугалланади.

Бу йил ғўзаларга ўтган йилдагидан бир ой олдин сув таралди. Масалан, ўтган йили Мирзачўл шароитида 15 июнда сув берилган бўлса, бу йил сув 15 майдан бошлаб берила бошлади. Сабаби, ёғингарчилик кўп бўлиб, тупроқ қатламида туз бунёдга келди, сизот сув кўтарилди. Оқибатда ғўзаларнинг ўсиш, ривожланиши кечикди. Сув таралиши билан туз эриди, сизот сув камайди. Ўсимлик тез авжга кирди.

Кейинги кунларда ҳарорат кўтарилянти, тупроқнинг устки қатлами қовжираб қолди, ғўзаларда сувга эҳтиёж сезиляпти. Ерга солинган ўғитни тезроқ илдизга етказиб бериш керак. Бу ҳам суғоришни тезлатиш зарурлигини тақозо этяпти. Вазият ҳисобга олиниб, сувчилар сони 80 кишига кўпайтирилди.

Ҳозир ҳамма жойда суғоришни кучайтириш керак. Сув — ғўзанинг қони, жони, ўсиш, ривожланиши ва кўп ҳосил тўплашининг асосий манбаи. Биз, июнь ойида ҳамма майдонларда икки марта суғориш ўтказамиз.

— Бегона ўтлар кўпмиди, унга қарши кураш қандай ташкил қилинди?

— Кўп ҳам гапми, ҳамма пахтазорларни қоплаб олди. Сабаби, ёғингарчилик нормадан ортиқ бўлди, ҳарорат кўтарилмади, ҳаво салқин келди. Бу, бегона ўтлар мижозига айнан мосдир. Бегона ўтга қарши кураш ўн кунлиги эълон қилдик. 85 та универсаль ёнига яна 20 та универсаль қўшдик, культивация нормасини 6 гектардан 8 гектарга чиқардик, механизмлар иш органининг мукаммал бўлишини таъминладик. Чопиқчилар сонини кўпайтирдик, хашарчилар бригадаси туздик. Шундай қилиб, 4 минг гектар ерни бегона ўтдан бутунлай тозалайдик, қолган майдонларни олти-етти кунда тозалаб бўламиз.

Ўғит фақат бегона ўтдан тозаланган ерларга солинади. Шундан кейин орадан уч-тўрт кун ўтказиб, марза қизигач уни қўйилади. Бегона ўт тез ўсувчан бўлади. Мутахассислар сувдан кейин пайкалнинг ҳолатини кўздан кечириб, культивация чуқурлигини белгилаб беради. Совхозда «Тошкент-3» нав чигити кенг қаторлаб экилган. Культивация 8-10 сантиметр чуқурликда ўтказиляпти, қатор ораси иложи борича кенгроқ қамраб олиняпти. Совхозда бегона ўтга қарши кураш — мўл ҳосил учун кураш, деган шиор эълон қилинди.

— Табиий офат оқибатлари тугатилдими, қайси бўлимларнинг ғўзалари кўпроқ зарарланди, асорати борми?

— Уч минг гектар ердаги ғўзаларни сел олиб, дўл урди. Лекин ваҳимага тушмадик. Ишчиларимиз бир ёқадан бош чиқариб, бир ҳафтада қайта чигит экиб бўлишди. 35-40 центнерчи бўлим ва бригадаларимиз айниқса кўпроқ зарар кўрди. Масалан, гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилган Эшқувват Болтаев бўлимига қарашли 600 гектар майдондаги ғўзаларни ёпшасига дўл урди, зудлик билан қайта чигит экилди. Ҳозир ғўзалар барқ уриб ўсяпти, 35 центнерлик марра сўзсиз эгалланади. Самад Раҳмонқулов, Расул Суннатов, Борлибой Қўзибоев бошлиқ бўлимларнинг пахтакорлари ҳам қийинчиликларни енгиб, улкан хирмон ишқида астойдил ишлаяптилар.

Табиий офатга қарши кураш тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳосил тақдири деҳқонлар қўлидадир. Ғўзалар вақтида суғорилса. ўғитланса, чуқур культивация ўтказилса, ўсимликнинг қуёш нури, иссиқлик ва ҳаводан нормал фойдаланишига шароит яратилса, июнь ойида ёппасига шоналаб, гуллатиб олиш мумкин ва лозим. Ҳозир совхознинг қариб 3 минг гектар ердаги ғўзаси шонага кирди. Лекин дўлнинг асорати ҳали бор, парваришни кучайтириш билан уни тезда бартараф этиш чўлқувар деҳқонларнинг муқаддас бурчидир.

— Экинни озиқлантириш борасида нималар қилиняпти?

— Чўл шароитида ғўзаларни барвақт озиқлантириш катта аҳамиятга эга. Биз йиллик ўғит нормасини июнь ойида бераб бўламиз. Шу ойда ғўзаларни минерал ва органик ўғитлар қоришмаси билан икки марта озиқлантирамиз. Июль ойига ўтганда табиий офатлар билан зарарланган майдонларга яна бир қўр ўғит соламиз. Ўғит солишда тупроқ картограммасига қаттиқ амал қиляпмиз. Универсалчилар бир вақтнинг ўзида культивация ўтказиб, ўғит солиб ва эгат олиб кетяпти. Ўғитлар қоришмаси барвақт тайёрлаб қўйилган. Ҳар гектар ерга яна қанча азот. фосфор ва бошқа ўғит берилишини мутахассислар белгилаб беряпти.

Июнь — ғўза парваришида масъулиятли даврдир. Буни яхши англаган Қарши районидаги «Ленин йўли» колхозининг пахтакорлари ҳар тўп ғўзани аввалдан парваришлашяпти. Ҳозир далаларда 160 сувчи ва 80 чопиқ тракторлари билан ғўза қатор ораларига ишлов берилаётир. Суратда: (чапдан) агроном Т. Муртазоев, бригада бошлиғи И. Нарзуллаев ва колхоз партия ташкилотининг секретари Қ. Қудайбердиев ўртоқлар ғўза ниҳоллари ўсиб, ер кўрсатмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ПИЛЛА — ДАВЛАТГА

Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Самарқанд областларининг пиллачилари беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, пилла тайёрлаш йиллик планларини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Тошкент. Пойтахт областининг пиллачилари давлатга 1.488 тонна пилла етказиб бердилар. Ҳар қути қурт уруғидан ўрта ҳисобда 57 килограммдан қиймати ҳом ашё олинди. Оққўрғон, Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Бўка, Пискент, Чиноз, Янгийўл, Калинин ва Оҳангарон районларининг пиллачилари давлатга пилла сотиш планини муваффақиятли адо этишди.

Қарши. Давлатга 1.348 тонна пилла сотилди, ҳар қути қурт уруғидан ўрта ҳисобда 60 килограммдан пилла етиштирилди. Ҳосилнинг 82 процента сортли пиллага қабул этилди. Шаҳрисаба, Косон, Ульянов ва Чироқчи районларининг пиллачилари йиллик планни бажаришга салмоқли ҳисса қўшдилар.. Китоб районидаги Карл Маркс номли ва Косон районидаги Энгельс номли колхозларда ҳар қути қурт уруғидан 80-90 килограммдан пилла олинди.

Андижон. Тайёрлов пунктларига 3.398 тонна пилла жўнатилди, йиллик план 111,8 процент бажарилди. Ҳар қути қурт уруғидан 75 килограммдан пилла олинди, пилланинг 88 процента юқори сортларга қабул қилинди. Ленин районидаги «Ўзбекистон», Балиқчи районидаги Куйбишев номли, Жалақудуқ районидаги «Пахтакор», Андижон районидаги Калинин номли колхозлар, Кўрғонтепа районидаги Ҳамза номли совхоз ва Навоий номли колхоз ҳар қути қурт уруғидан 81-95 килограммдан пилла олиб рекорд кўрсаткичларга эришдилар.

Самарқанд. Давлатга 2.380 тонна пилла сотилди, йиллик план 103,4 процент бажарилди. Иштихон, Пахтачи, Каттақўрғон, Нарпай, Оқдарё, Пайариқ, Хатирчи, Пастдарғом, Жомбой ва Булунгур районларининг пиллачилари йиллик планни бажаришга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Давлатга пилла топшириш давом этмоқда. Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб Тошкент областининг пиллачилари пландан ташқари 150 тонна, Қашқадарё областининг пиллачилари — 180 тонна, Самарқанд областининг пиллачилари — 300 тонна пилла топшириш мажбуриятини олдилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Нукус. Қорақалпоғистон Автоном республикасининг пиллачилари бу йилги баҳорнинг қийин шароитларини бартараф этиб, қурт уруғини боқишни ташкил этишда фан ва илғор тажриба ютуқларидан фойдаланиб, беш йиллик учинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажардилар. Қабул пунктларига 704 тонна пилла жўнатилди, ҳар қути қурт уруғидан 60 килограммдан пилла олинди. Тўрткўл, Хўжайли ва Амударё районларининг пиллачилари мажбуриятларни бажаришга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Пилла тайёрлаш давом этмоқда. Бу йил пилла тайёрлаш 720 тоннага етказилади.

Ҳурмат тахтаси

Пилла тайёрлаш планларини муддатидан олдин бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтасига ёзиладилар.

Нарпай райони (район партия комитетининг секретари **М. Халатов**, район ижроия комитетининг раиси **И. Равшанов**, район комсомол комитетининг секретари **У. Ғафуров**, бош пилла сушилкасининг директори **П. Элмуродов**).

Пастдарғом райони (район партия комитетининг секретари **Қ. Назаров**, район ижроия комитетининг раиси **А. Худойқулов**, район комсомол комитетининг секретари **Д. Эргашев**, бош пилла сушилкасининг директори **А. Лодина**).

Пахтачи райони (район партия комитетининг секретари **Т. Насриддинов**, район ижроия комитетининг раиси **Р. Маҳмонов**, район комсомол комитетининг секретари **И. Жўрақулов**, бош пилла сушилкасининг директори **Н. Пишинская**).

Ленинград райони (район партия комитетининг секретари **М. Ҳайдаров**, район ижроия комитетининг раиси **Т. Исмоилов**, район комсомол комитетининг секретари **О. Шамсиддинов**, бош пилла сушилкасининг директори **А. Иброҳимов**).

Қува райони (район партия комитетининг секретари **М. Шербўтаев**, район ижроия комитетининг раиси **М. Раҳматов**, район комсомол комитетининг секретари **М. Мақсудова**, бош пилла сушилкасининг директори **М. Нурматов**).

Киров райони (район партия комитетининг секретари **У. Бегматов**, район ижроия комитетининг раиси **И. Саидов**, район комсомол комитетининг секретари **З. Холматова**, бош пилла сушилкасининг директори **С. Аҳмедов**).

Хўжаобод райони (район партия комитетининг секретари **Д. Ҳасанов**, район ижроия комитетининг раиси **Т. Орзибоева**, район комсомол комитетининг секретари **К. Охунов**, бош пилла сушилкасининг директори **М. Мирзаев**).

Янгиқўрғон райони (район партия комитетининг секретари **Ж. Турсунқулов**, район ижроия комитетининг раиси **С. Тўйчибоев**, район комсомол комитетининг секретари **А. Жўрабоев**, бош пилла сушилкасининг директори **А. Маҳмунов**).

Денов райони (район партия комитетининг секретари **И. Эшмаматов**, район ижроия комитетининг раиси **А. Норқобилов**, район комсомол комитетининг секретари **Ш. Сафаров**, бош пилла сушилкасининг директори **Б. Юсупов**).

А. П. КИРИЛЕНКОНИНГ ЧУВАШИЯДА БЎЛИШИ

ЧЕБОКСАРИ, 6 июнь. (ТАСС мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ А. П. Кириленко икки кун мобайнида шу ерда бўлди. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Э. Димшиц, монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри Ф. Б. Якубовский, КПСС Марказий Комитети машинасозлик бўлими мудирининг ўринбосари И. И. Козлов ҳам ўртоқ А. П. Кириленко билан бирга бўлишди.

А. П. Кириленко Чебоксаридаги саноат тракторлари заводи ва Чебоксари ГЭСи қурилишининг, шаҳарда уй-жой бинолари қурилишининг бориши билан танишди.

А. П. Кириленко қурилишларда ишчилар ва инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашди, меҳнат шароити билан, қурилиш ишларини ташкил этишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, масалалари. ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг турмуш шароити билан қизиқди.

КПСС Чувашия область комитетида А. П. Кириленко Чувашия АССРнинг ва Чебоксари шаҳрининг раҳбар партия ва совет ходимлари билан учрашди ва улар билан батафсил суҳбатлашди.

ТАРИХИЙ САНА ШАРАФИГА

Шу кунларда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари мувақкат революцион ҳукумат тузилганлигининг тўрт йиллигини нишонламоқдалар. Бу тарихий санани совет кишилари ҳам улар билан бирга нишонламоқдалар.

5 июнда темир йўлчилар марказий Маданият уйида пойтахт жамоатчилиги намояндаларининг бўлиб ўтган йиғилиши шу воқеага бағишланди.

Йиғилиш президиумида КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Е. С. Насриддинова ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Жанубий Вьетнам Республикасининг СССРдаги элчиси Данг Куанг Минь, ВДРнинг СССРдаги элчиси Во Тхуй Донг, вьетнамлик бошқа ўртоқлар ҳам улар билан бирга президиумга чиқдилар.

Йиғилишда Е. С. Насриддинова доклад қилди.

Йиғилишда Жанубий Вьетнам Республикасининг СССРдаги элчиси Данг Куанг Минь сўзга чиқди. (ТАСС).

ВЬЕТНАМЛИК ДЎСТЛАРГА ТАБРИК

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг эзгу 6 июнда шаҳар жамоатчилиги намояндалари билан лиқ тўлди. Улар бу ерга Жанубий Вьетнам Республикаси Мувақкат революцион ҳукумати тузилганлигининг тўрт йиллигини нишонлаш учун келишди. Ҳозир бўлган кишилар Миллий озодлик фронтига, Мувақкат революцион ҳукуматга ва Жанубий Вьетнам ҳалқига Вьетнамда урушни тўхатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисидаги Париж битимини рўёбга чиқаришда, ўз миллий манфаатларини амалга оширишда янги муваффақиятлар тилашди. (ЎзТАГ).

ПИЛЛА — ДАВЛАТГА

Республика областларида пилла тайёрлашнинг борини тўғрисида 1973 йил 6 июнга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда; учинчи стун — мавсум бошидан буён.

БУХОРО	—	128,1
СИРДАРЁ	2,2	122,8
ХОРАЗМ	1,1	119,8
СУРХОНДАРЁ	—	112,7
АНДИЖОН	4,2	111,8
ҚАШҚАДАРЁ	0,6	107,0
ТОШКЕНТ	0,8	106,3
САМАРҚАНД	4,1	103,4
НАМАНГАН	0,7	102,0
ҚҚ АССР	9,5	100,6
Фарғона	1,7	91,8
Республика бўйича:	2,1	107,0

ШОЛИПОЯЛАР КЕНГАЙДИ

Узбекистон шоликорлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар республикада шоли экиш планини муддатидан илгари бажардилар. 72,4 минг гектар майдонга сара шоли уруғи жойлаштирилди.

Бу йил шолипоялар яна 7,8 минг гектарга кўпайтирилди. Бу эса янги ерларни ўзлаштириш, уларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш туфайли бўлди.

Айниқса Амударё этакларида катта шолипоялар вужудга келтирилди. Жумладан, тўққизинчи, беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йилида республикамизнинг асосий шоликор воҳаси ҳисобланган Қорақалпоғистонда бу йил давлатга 77 минг тонна шоли етказиб беришга аҳд қилинган. Республика бўйича эса бу йил етиштирилаётган шоли ҳосилининг умумий ҳажми 160 минг тоннага етказилиши керак.

Узбекистоннинг барча шолипояларида шу кунларда унаётган ниҳолларни парвариш қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

НАШРИЁТ, ПОЛИГРАФИЯ ВА КИТОБ САВДОСИ ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ

Ҳозирги вақтда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги 22 нашриётнинг маҳсулоти замонавий техника билан таъминланган 500 га яқин полиграфия корхоналарида тайёрлаб чиқарилмоқда. Узбекистоннинг ўзидагина ҳар йили икки мингдан кўпроқ ном билан 35 миллион нусхада китоб ва брошюралар нашр этилмоқда. Республикада чиқарилаётган китоблар 82 чет мамлакатга юборилмоқда. Совет Шарқи республикаларида полиграфия ва китоб савдосининг кенг қулоч ёзганлиги ленинча миллий сиёсат тантанасини кўрсатувчи ёрқин далиллардан биридир.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон нашриётлари, полиграфия ва китоб савдоси ходимлари «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида» ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладидаги қоидалар ва хулосалар асосида, КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленуми ва 1973 йил апрель Пленуми қарорлари асосида ўз ишларини анализ қилиш, беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили топшириқларини бажариш учун, социалистик мусобақани янада ривожлантиришнинг амалий вазифаларини белгилаш учун Тошкентга республикалараро кенгашга тўпланишди.

Ўз зиммаларига олган мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетларининг раислари: Узбекистондан З. И. Есенбоев, Қозоғистондан Ш. Р. Елеукенов, Тожикистондан С. П. Пўлатов, Қирғизистондан А. А. Абакиров, Туркманистон давлат комитети раисининг ўринбосари Н. Н. Нуднев ахборот бердилар.

Кенгашда шу соҳадаги барча ходимларнинг энг муҳим вазифаси маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш учун мавжуд имкониятлардан янада яхшироқ, самаралироқ фойдаланишдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилди. Халқлар ленинча дўстлиги, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно ташқи ва ички сиёсатини пропаганда қилувчи, социалистик мусобақа илғорлари тажрибасини кенг ёритувчи яхши китобларни кўпроқ чиқариш керак.

Кенгашда СССР Министрлар Совети нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетининг раиси Б. И. Стукалин нутқ сўзлади.

Кенгашда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Узбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

БУХОРО ОБЛАСТИДА

ЯХШИ ТАШАББУС

Бухоро область партия комитети шу кўннинг энг муҳим ва актуал масалалари бўйича ҳар ойда бир марта йиғилиш ўтказиб туради. Шаҳар, район партия комитети секретарлари, агитация-пропаганда бўлими, агитпункт мудирлари иштирокида яқинда ўтказилган йиғилишларнинг бирида меҳнаткашлар ўртасида КПСС XXIV съезди қарорлари қандай бажарилаётгани, партия Марказий Комитети апрель Пленумининг халқаро аҳвол тўғрисидаги қарори ҳамда маҳаллий Советлар сайловларига тайёргарлик ишларини янада кучайтириш масаласи муҳокама қилинди.

Бу соҳада Навоий, Зарафшон шаҳарлари, Ғиждувон, Ромитан, Қоракўл районлари меҳнаткашлари ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишлар тажрибаси умумлаштирилди, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

КУН ТАРТИБИДА—МАОРИФ МАСАЛАСИ

Вобкент район партия комитетининг пленумида «КПСС XXIV съезди қарорлари асосида район мактабларида ўқувчи ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада кучайтириш ҳақида»ги масала муҳокама қилинди. Райком секретари Ғ. Бафоев доклади юзасидан бўлган музокараларда район халқ маорифи бўлими мудири Я. Аҳмедов, қишлоқ Совети, колхоз правлениеси раислари, мактаб директорлари қатнашиб, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан жойларда амалга оширилаётган конкрет ишлар, режалар тўғрисида фикр юритдилар.

Райком пленуми халқ маорифи ишини янги талаблар асосида ривожлантиришни таъминлаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган қарор қабул қилди.

РЕЗЕРВЛАР—БЕШ ЙИЛЛИККА

«Узсельхозтехника» область бирлашмасига қарашли ремонт заводи коммунистлари қимматли ташаббус бошладилар. Улар «бутун куч, резервлар ва изланишларимиз беш йилликка!» деган шиор остида қишлоқ хўжалик техникаси ремонтини кучайтириш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Бу корхонадаги ҳар бир партия аъзоси ихтирочи, рационализатор ёки новатор ҳисобланади. Коммунист А. Мансуров ремонтдан чиққан трактор, машина ва механизмларни комплекс механизациялаш ҳақида таклиф киритди. Бу тадбир амалга оширилганда меҳнат унумдорлигини 25 процент кўтарди, ҳар кварталда 2 минг сўмлик маблағни тежаб қолишга имкон беряпти. И. Нуриллаев, Н. Қодиров, И. Жўраев, С. Раҳматов каби коммунистлар ҳам меҳнатга ижодий ёндошиб муносиб иш қилмоқдалар.

Ремонт заводи коммунистлари беш йиллигининг ҳал қилувчи йилида пландан ташқари 200 га яқин қишлоқ хўжалик машиналарининг «умрини узайтириш» юзасидан аниқ план ишлаб чиқиб, эўр маҳорат билан меҳнат қилмоқдалар.

РАЙКОМ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР

Томди — республикамизнинг энг йирик чорвадор районларидан бири. Район партия комитети яйловларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг активлигини ошириш, уларнинг унумли ишлашлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш масаласини кўриб чиқди. Бу ерда 3416 хотин-қиз, жумладан 262 коммунист, 1292 комсомол-ёш чорва фермалари, отарларида меҳнат қилаётир. 1700 дан зиёд хотин-қизлар ёрдамчи чўпон, 15 га яқин аёллар бош чўпонлик қилмоқда. Уларнинг ҳаммаси 12 жойда ташкил этилган хотин-қизлар Советларига бирлашган.

Район партия комитетининг ходими Р. Иргизбоева хотин қизлар Советига бошчилик қиляпти. У яйловларда чорва моллар маҳсулдорлигини ошираётган, қўйлардан кўплаб эгиз қўзи, мўл-кўл жун қирқиб олишга эришаётган пешқадамларнинг илғор тажрибасини кенг пропаганда қилиб бормоқда. Район партия комитети бюроси хотин-қизлар ўртасида оммавий-сиёсий, партиявий-ташкилий ишларни янада кучайтириш, ўрта мактабларни битирувчилар ҳисобига хотин-қиз чўпонлар сонини янада кўпайтириш тадбирларини белгилади.

КИНО ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Даладагилар, яйловдагилар ҳамда шаҳар ва район марказларида истиқомат қилаётган аҳоли учун кино хизмати кўрсатишни яхшилаш масаласи обком бюросида муҳокама қилинди. Маълум бўлишича, кейинги йилларда томоша залларн, кинотеатрлар саҳни анча кенгайган. Меҳнаткашларга кино хизмати кўрсатишда катта силжишлар рўй берган. Бироқ, бу ҳали партия ва ҳукуматимиз қўяётган юксак талабларга етарли жавоб бермайди. Обком бюроси беш йиллигининг ҳал қилувчи йилида қишлоқ меҳнаткашларига, чорва отарларида кинофильмлар кўрсатишни ташкил этиш, айниқса болалар ва ўсмирларга аталган тематик кинофильмларни кўпроқ намойиш қилиш зарурлигини таъкидлади. Областда кино хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Франция республикасининг президенти Жорж ПОМПИДУ жанобларига

Президент жаноблари, ТУ-144 самолётининг фожиона ҳалокати муносабати билан Сиз изҳор этган таъзия ва дўстона ҳиссиётларидан ғоят мутаассир бўлдим.

Гуссенвиль аҳоли пунктида истиқомат қилувчилар бошига тушган кулфат муносабати билан совет халқи номидан ва шахсан ўз номимдан энг чуқур ҳамдардлик изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Сиздан, президент жаноблари, халок бўлганларнинг оилаларига бизнинг таъзиямизни ва барча зарар кўрганларга самимий ҳамдардлигимизни етказишингизни сўрайман.

Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Николай Викторович ПОДГОРНИЙга

Буржедаги халқаро салонда ТУ-144 самолётининг фожиона ҳалокати тўғрисидаги хабарни эшитиб жуда чуқур ҳаяжонга тушдим.

Француз халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга, президент жаноблари, ғоят чуқур таъзия билдираман. Совет авиацияси ва дўст СССР халқи бошига тушган бахтсизлик хусусида бутун Франция қайғурмоқда. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига менинг ғоят самимий ҳамдардлигимни етказсангиз, Сиздан миннатдор бўлар эдим.

Жорж ПОМПИДУ.

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети шу йил 3 июнда Париж яқинидаги ле-Бурже аэродроми ёнида ТУ-144 самолётининг ҳалокатга учраганлиги тафсилотини ва сабабларини аниқлаш учун ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. В. Смирнов бошчилигида ҳукумат комиссияси тузди.

«Космос-562» парвозда

1973 йил 5 июнда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-562» учирилди. Йўлдош ичида космик фазони тадқиқ этишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар бор.

Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йиллар ва самарали ишлаганлиги учун республикаларарО «Ленин қичи» газетасининг Узбекистон ССРдаги мухбирлар пункти мудири Ким Сек покка «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонини берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик педагогик иши, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун Хоразм область Янгиариқ районидаги М. Горький номли ўрта мактаб математика ўқитувчиси Онажон Маткаримовага «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонини берди.

17 ИЮНЬ — Маҳаллий Советларга сайловлар куни

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

САИДАНИНГ БАХТИ

Қора қош, истараси иссиқ дугонамизни фабрикада танимайдиган одам йўқ. У меҳнатсевар, ширинсухан, тадбиркорлиги билан кўпчилик эътиборини қозонган. Дастлаб ишга келган кезларида тортинчоқ кўринган қиз кейинчалик ҳаммани қойил қолдира бошлади.

Қуш тинса тинадики, лекин Саида тиним билмайди. Баъзан эрта тонгдан оқшомгача — бутун кунни фабрикада ўтказади. Корхона ҳовлисини гуллар масканига, кўкаламзорга айлантиришда, йўлкаларни ободонлаштириш, асфальт ётқизгунча озмунча елиб югурмади? Бир томон эски Бухоро қалъасининг қолдиқларидан иборат эди. Тупроқ сурдириб ип тортиб, дарахт ўтқазишда бош-қош бўлди. Фабрика территориясини ободонлаштириш, эстетик жиҳатдан безатишда оддий бог-бондан тортиб депутат ишчиларгача — ҳамманинг беминнат хизмати бор.

Саида Саидова корхонамизга 1965 йилда ишга келган. Унинг қунт, чидам, маҳорат каби ажойиб фазилатлари тез орада намоён бўлиб қолди. Қўли гул қиз қисқа вақтда 2-цехда мотористка бўлиб мустақил ишга ўтди. Маҳсулот сифати — корхона кўзгуси! Бежирим, ихчам, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланган. Биз фабрикамизда ишлаб чиқарилган трикотаж кийимларни харид қилган одамлардан: «Қаранг, қуйиб қўйгандек ярашибди», «Худди ўзингизга ўлчаб тикилгандек турибди», деган холис баҳони, илиқ сўзларни эшитишни истаймиз. Бундай юксак баҳо, самимий сўзларни эшитиш бахтига муяссар бўлиш эса биздан янада яхшироқ, сифатли ва баракалироқ ишлашни талаб этади.

Ҳамма соҳада бўлгани каби бу соҳада ҳам Саида барчага ибрат бўляпти. Смена топшириқларини муттасил 120-130 процент бажармоқда. Тежамкорлик йўлидан бормоқда.

Саида ўз дастгоҳини ҳамиша покиза сақлайди. Корхонамизда илғор тўқувчилар Губина ва Казанцеваларнинг ташаббуси ҳақида фикр-мулоҳаза бошланганда, Саида бу қиммат-ли ҳаракатга биринчилар қатори қўшилди. У беш йиллик мажбуриятини қайта кўриб чиқди. Беш йиллик маррани тўрт йилда уддалашга қарор қилди. Ҳозир у 1974 йил ҳисобига меҳнат қилаётир.

Беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ҳаракати ҳамма жойда кенг қулоч ёзган. Корхонамизда тўрт бригада, 50 дан ортиқ ишчилар келгуси йил ҳисобига ишламоқдалар. Улар орасида Саида Саидовага ўхшаш машъаллар кўп.

Саида Саидова Муҳаббат ва Муҳиба Ғуломовалар билан мусобақалашаётир. Бу уч дугона ишлаб чиқариш топшириқларини ойма-ой, йилма-йил ошириб адо этмоқда. Саиданинг бахти балқиб турибди. У фабрикамизда юлдуз бўлиб чақнаб, коммунистик жамият қурилишига баракали ҳисса қўшмоқда. Бундан аввалги сайловларда ҳам у область Совети депутатлигига сайланганди.

Илғор мотористка, ишчан ва сергайрат Саида Саидовани коллективимиз зўр фахр-ифтихор билан яна область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Ишлаб чиқаришда, меҳнатда, жамоат ишларида, ҳаётда ва турмушда ҳаммага ибрат бўлаётган Саида Саидова сайловчиларнинг бу юксак ишончини ҳам оқлашига ишончимиз комил.

М. ҲАСАНОВА,
М. ГАДОЕВА,
М. ҒУЛОМОВА,
Бухородаги Тельман номли трикотаж фабрикаси ишчилари.

Туямўйин гидроузели қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Сиз бу суратда «Туямуингидрострой»га қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг илғор экскаваторчиси Митхат Уразбахтинни кўриб турибсиз.

Унгдаги суратда эса гидроузел қурилиши участкаларидан бири акс эттирилган.

Қ. Қадамов фотоси.

ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитети 1974 йилги Ленин мукофотларини олиш учун ишларни қабул қилмоқда. Қабул ишлари 1973 йил 16 октябргача ўтказилади.

Ленин мукофотлари олиш учун фан ва техника соҳасида янги йўналишларни очиб берадиган ва фаннинг шу соҳасида жаҳон миқёсида эришилган ютуқлардан устун турадиган жуда муҳим илмий тадқиқотлар, СССР халқ хўжалигига жуда катта ҳисса қўшадиган ва ўз савияси жиҳатидан бошқа мамлакатларда эришилган ютуқлардан устун турадиган принципиал янги техникавий ечимлар, давлат ва хўжалик қурилиши, марксча-ленинча фан ва ҳозирги замон ижтимоий ҳаётининг актуал масалаларига доир улкан тадқиқотлар тақдим этилиши мумкин.

Айни вақтда комитет 1974 йилги СССР Давлат мукофотларини олиш учун ишларни қабул қилади. Қабул ишлари 1973 йил 15 декабргача давом эттирилади.

СССР Давлат мукофотларини олиш учун Ватан фанини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшадиган илмий тадқиқотлар, энг прогрессив материаллар, машина ва механизмларни яратиш ҳамда халқ хўжалигига жорий қилишга доир ишлар, янги ғоят унумли технологик жараёнлар, катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган илғор ишлаб чиқариш-техникавий тажрибани жорий қилишга доир ишлар, нодир ва тежамли қурилиш ҳамда техника иншоотлари, давлат ва хўжалик қурилиши ҳамда марксча-ленинча фан масалалари юзасидан чуқур назарий тадқиқотлар тақдим этилиши мумкин.

Илмий асарлар тақдим этилишидан камида бир йил олдин матбуотда эълон қилингандан кейин, фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ишлар эса халқ хўжалигига жорий этилгандан кейин қабул қилинади.

Айни бир хил ишни айни вақтда Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти олиш учун тақдим этиш учун йўл қўйилмайди.

Ишларни тақдим этиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар юзасидан СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитетига қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Москва, К-51, Неглинная кўчаси, 29/14, телефонлар 295-31-04, 295-09-21.

БИЛИМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ—АСОСИЙ ВАЗИФА

Узбекистонда партия ўқуви, иқтисодий таълим ва комсомол сиёсий маорифи системасидаги мактабларда, семинарларда ва тўгаракларда машғулотлар ниҳоясига етказилди. Ҳозир якунловчи машғулотлар ўтказилмоқда. Бу машғулотларда бир миллиондан кўпроқ киши иштирок этади. Ўқув йили ана шу якунловчи босқичининг асосий мақсади — олган билимларни мустаҳкамлашда, практика билан, конкрет ишлаб чиқариш вазифалари, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш билан маҳкам боғлаган ҳолда назария масалаларини чуқур идрок қилишда тингловчиларга ёрдам беришдан иборат.

Тошкент тўқимачилик комбинатида, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида, «Ташсельмаш», Трактор заводларида, Бекобод металлургия заводида ва бошқа корхоналарда дастлабки якунловчи машғулотлар ўқиш-қоқлик билан ўтди. Ҳамма жойда машғулотлар ўқув программаси мавзулари асосида ўтказилмоқда, Ленининг ғоявий меросини ўрганишга, партия XXIV съезди ишлаб чиққан актуал сиёсий ва назарий проблемаларни, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисидаги докладини, КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь ва 1973 йил апрель Пленумлари материалларини ўрганишга жиддий эътибор берилмоқда.

Бир қанча партия ташкилотларида ўқув йилининг якунловчи босқичида назарий конференциялар ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу назарий конференциялар ва суҳбатларда тингловчилар коммунистик қурилишда КПССнинг ўсиб бораётган раҳбарлик роли тўғрисидаги, СССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсати ҳақидаги, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ривожлантириш тўғрисидаги, иқтисодий мавзулардаги, меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш тўғрисидаги ва бошқа масалаларга оид докладлар, ахборотлар ва рефератлар билан чиқмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Партия турмуши

РАСМИЯТЧИЛИК ОҚИБАТИ

Сиёсий маориф системасида муҳим давр бошланди. Июнь ойининг биринчи ярмида якунловчи машғулотлар бўлиб ўтади. Йил бўйи иқтисодий ва сиёсий билим олган қишлоқ меҳнаткашлари имтиҳон берадилар. Биз Ҳазорасп район партия комитетининг секретари ўртоқ Х. Ниёзматовадан бу сўнгги паллага қандай тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик. У бундай деди:

— Куни-кеча бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ва сиёсий маорифини, барча звеноларн пропагандистлари иштирокида семинар ўтказдик. Унда якунловчи машғулотларнинг юқори савияда, тингловчиларнинг актив иштирокида ўтишини таъминлаш мақсадида зарур тадбирлар ишлаб чиқилди. Райком аъзолари ўзаларига бириктирилган корхона, қурилиш ташкилоти ёки колхоз ва совхозларда ўтадиган сўнгги машғулотларда иштирок қиладилар. Бу машғулотларга пухта тайёргарлик кўряпмиз. Пропагандистлар тез-тез райком ҳузуридаги методика кабинетида бўлиб, сўнгги машғулот темасини пухта ўрганаётирлар. Райкомнинг пропаганда ва агитация бўлими уларга яқиндан ёрдам кўрсатяпти...

Район бўйича сиёсий ўқиш машғулотларини ҳар жума кунида ўтказишга қарор қилинган. Шу куни кеч соат саккизда колхоз ва совхозларда, соат олтида эса корхона ва қурилиш ташкилотларида тингловчилар партиявий-ташкилий ишлар кабинетига тўпланишлари керак. Уларга дарсликлар тарқатилган, ўтилаётган тема юзасидан конспект олиб борадилар, кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланилади.

— Бугун жума, бирор ташкилотдаги машғулотга қатнашинглар, — таклиф қилди Х. Ниёзматова. — Қаерга дейсизми, хоҳлаган жойга боришингиз мумкин. Масалан, Ленин номли совхозда албатта бўлинг, Раҳим Оллоберганов, Оққи Матёқубов, Жонибек Ҳаитбоев каби тажрибали пропагандистлар бор. Машғулот бирор марта ҳам канда бўлган эмас.

Бордик. Кеч соат 8. Идорада қоровулдан бўлак ҳеч кимса йўқ. Сўраб-суриштириб, совхоз партия комитетининг секретари Худойберган Эшжоновни уйидан чақиртириб келдик. Мақсадимизни айтдик. Секретарь бош қашлаб бир оз ўйланиб турди-да, сўнг очингга кўча қолди.

— Ҳозир ҳамма пиллада. Вақт тиғиз бўлгани учун машғулотларни ўтказолмай турибмиз.

Уз сафига 114 коммунистни бирлаштирган йирик партия ташкилоти секретарининг гапига қаранг! «Вақт тиғиз» бўлгани учун машғулотлар ўтказилмаётган эмиш... Журналларни олдиндик. Бир-бир варақлаб чиқдик. Х. Эшжоновнинг бутунлай ёлғон гапирганлиги маълум бўлди. Уч жойда ташкил қилинган сиёсий мактабда ва бир жойдаги иқтисодий билимларни ўрганиш тўгарагида февраль ойидан бери бирор марта ҳам машғулот ўтказилмабди. Пропагандист Умид Хўжаев иқтисодий билимларни ўрганиш тўгарагида сўнгги машғулотни 2 февралда ўтказибди. Иқтисодий билим асослари тўгарагида эса ўтган бир йил мобайнида тингловчилар фақат икки мартагина машғулотга тўпланишган.

Сиёсий ўқишга неча киши тортилганини на партком секретари ва на совхоз комсомол комитетининг секретари Отахон Оллоберганов билади. Партком секретари ўқишга 118 одам тортилган дейди, расмий ҳужжатда эса 122 кишининг номи кўрсатилган. 4-бригада бошлиғи Бобожон Шержонов, устахона мудири Озод Қурбонов, комсомол комитетининг секретари Отахон Оллоберганов билан суҳбатлашганимизда, улар сиёсий ўқишнинг қандай звеносида қатнашаётгани, қимлар пропагандистлик қилаётгани ҳақида неч нарса айтиб беролмадилар. Партком 13 мартда бўлган мажлисида сиёсий ва иқтисодий ўқишнинг аҳволини муҳокама қилган эди. Бироқ, бу муҳокама ҳам шошма-шошарлик билан, юзаки ўтказилган.

Ўтган йили область партия комитети бюросида Ҳазорасп районининг ишлаб чиқариш корхоналари, колхоз ва совхозларида меҳнаткашларга сиёсий ва иқтисодий билим беришнинг аҳволи атрофлича муҳокама этилган ва бу ишда анчагина камчиликлар содир бўлаётгани қайд қилиб ўтилган эди. Ҳазорасп район партия комитетининг бюроси ҳам ўз навбатида аввал «Партия XXI съезди», сўнгроқ «Коммунизм» колхозлари партия ташкилотларининг секретарлари ахборотини эшитди. Яқинда бюро қарорининг «Узсельхозтехника» район бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала ҳам райком бюроси муҳокамасига киритилди. Сиёсий ва иқтисодий ўқишларда жиддий камчиликлар борлиги, бошланғич партия ташкилотларининг бу камчиликларни тугатиш борасида масъулиятсизлик кўрсатаётгани айтилди. Ишдаги камчиликларни тугатиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Хўш, шундан кейин бу колхоз ва ташкилотларда аҳвол ўзгардими? Афсуски, ўзгармади. Қарор қоғозда қолиб кетди. Уни ўз вақтида бажариш, сиёсий ва иқтисодий ўқишларнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш тўғрисида на «Коммунизм» колхози партия ташкилотининг секретари Олим Ҳожиев ва на «Партия XXI съезди» колхози партия комитетининг секретари Раҳим Худойберганов жон куйдирди.

«Партия XXI съезди» колхози партия ташкилоти сафида 131 коммунист бор. Ҳужжатда 89 коммунистнинг сиёсий ўқишга тортилгани қайд қилинган. Олти жойда илмий коммунизм. КПСС иқтисодий сиёсатининг асослари мактаблари ташкил қилинган. Бироқ, жума куни уларнинг бирортасида ҳам машғулот бўлмади. Партком секретарининг ўринбосари Тоҳир Ғаффоров билан бўлган савол-жавобда 42 киши мустақил ўқиётгани, бироқ уларнинг ўз устида қандай ишлаётгани тўғрисида партия комитети аъзоларидан бирортаси ҳам қизиқмаётгани маълум бўлди. «Коммунизм», «Ленинград» колхозларида ҳам машғулотлар паст савияда ўтказиляпти. «Ленинград» колхози партия ташкилотининг секретари Мадамин Қурбонов йил давомида тўрт жойда иш олиб бораётган сиёсий ва иқтисодий билим асослари мактаблари машғулотларига сира иштирок қилмабди.

«Узсельхозтехника» район бирлашмасида ҳам машғулотлар ана шундай паст савияда ўтяпти. Тингловчилар ўқув қуроллари билан таъминланмаган, партия маорифи ва иқтисодий ўқишларнинг қандай ўтаётгани ҳақида партия ташкилоти қизиқмай қўйган. Илмий коммунизм тўгарагида ўтказилаётган машғулотларга ҳар сафар 6-10 тингловчи сабабсиз иштирок қилмайди. Пропагандистлар кўпинча темани сўзлаб бериш ўрнига китобдан ўқиб бериш билан кифояланадилар. Машғулотлар ишлаб чиқаришга доир конкрет мисоллар билан тўлдириб борилмайди.

Шу куни яна райком секретари Х. Ниёзматова билан учрашиб, кўрган-кечирганларимизни унга гапириб бердик. Секретарь «Нега, ундай эмас эди-ку!», деб таажжубланди. Райком аъзолари жойларга тез-тез чиқиб, сиёсий ва иқтисодий ўқишнинг аҳволи билан шахсан танишаётганлигини гапирди. Аммо, бу сўзлар камчиликларни хаспўшлаш мақсадида айтилгани сезилиб турарди. Бу гапнинг ёлғонлиги кейинги савол-жавоб пайтида ҳам маълум бўлиб қолди. Секретарнинг айтишича, яъни биз бўлган куни ўрта мактабларда якунловчи машғулотлар ўтказилар экан.

— Якунловчи машғулот бугун қаерда ўтди ва унга райком аъзоларидан кимлар қатнашди? — деб сўрадик ундан.

Секретарь едка қисди...

Хуллас, Ҳазорасп район партия ташкилотларида меҳнаткашларга сиёсий ва иқтисодий билим беришда расмиятчиликка, юзакичиликка йўл қўйиляпти. Бу — ўз-ўзини алдаш эмасми?

Р. ТУРСУНОВ,
Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Узбекистони» махсус мухбирлари.

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

Планетамиз хабарлари

ПЛАНЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

ПРАГА, 5 июнь. (ТАСС). Бугун ЧССР Ташқи ишлар министрлиги биносида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXVII сессияси очилди. Сессия ишида Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Куба Республикаси, Монголия Халқ Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси делегациялари қатнашмоқда.

Сессия ишида Югославия Социалистик Федератив Республикасининг делегацияси ҳам қатнашмоқда. КХДР вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этмоқда.

ЧССР ҳукуматининг раиси Л. Штроугал кириш нутқи сўзлаб сессияни очди. У Прагага келган делегацияларни самимий табриклади.

Сессия социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини амалга ошириш билан боғланган масалаларни муҳокама қилмоқда. Сессия қатнашчилари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXVI ва XXVII сессиялари ўртасидаги даврда бўлган фаолияти тўғрисида кенгаш ижроия комитетининг раиси, ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари Ф. Гамоуз доклади юзасидан берилган ахборотни тингладилар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг план фаолияти соҳасида ҳамкорлик қилиш комитети раиси — ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари, давлат план комиссиясининг раиси В. Гула қўшимча доклад қилди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг машинасозлик доимий комиссиясининг раиси К. Поличек, енгил саноат доимий комиссиясининг раиси И. Копчи қилган докладлар ҳам тингланди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш комитети раиси, техника тараққиёти ва капитал маблағлар министри Л. Шупка шу комитет докладини ўқиб эшиттирди.

Сессияда Совет делегациясининг бошлиғи, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин нутқ сўзлади. Унинг нутқида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини амалга ошириш борасидаги коллектив фаолиятининг бир қанча муҳим соҳалари таҳлил қилиб берилди. Социализм мамлакатларининг социал-иқтисодий тараққиёт вазифаларини янада самарали ҳал қилиш мақсадларида шу мамлакатлар социалистик хўжалик системаси, қардошларча ҳамкорлиги афзалликларидан ҳамма чоралар билан фойдаланиш зарур, деб таъкидланди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ҳар йилги сессияларида, деди А. Н. Косигин, ташкилотимиз фаолияти якунларини чиқарамиз, умумий ютуқларимизни, шунингдек камчиликларимизни айтиб ўтамиз, келажак вазифаларини белгилаб оламиз. Айрим соҳаларда эришилган кўрсаткичлар қанчалик муҳим бўлмасин, барча қардош мамлакатларимиз коллектив фаолиятининг алоҳида муҳим якунини ажратиб ўтмасдан қолмаймиз, албатта. Бу якунни рақамлар билан ифода этиб бўлмайди, бу якунда социализм мамлакатлари халқларининг яратувчилик меҳнати самараларигина эмас, шу билан бирга бизнинг тинчлик, халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт учун курашдаги умумий куч-ғайратларимиз ҳам мужассамланади. Социализм мамлакатлари қудрати йилдан-йилга ўсиб, уларнинг жипслиги мустаҳкамланиб бораётганида, халқаро обрўси кўтарилиб, жаҳондаги воқеаларнинг ривожига таъсири йилдан-йилга ўсиб бораётганлигида шу асосий якунларни кўрамиз.

КПСС Марказий Комитетининг апрель охирида бўлиб ўтган Пленумининг диққат марказида жаҳон социализмининг халқаро позицияларини мустаҳкамлаш учун кураш масалалари, социалистик мамлакатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари турди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган докладида КПСС қардош социализм мамлакатлари куч-қудрати ва бирлигини мустаҳкамлашга, уларнинг халқаро майдондаги ижобий ўзгаришларда тобора катта роль ўйнаётган сиёсатини мувофиқлаштиришга ниҳоятда муҳим аҳамият бераётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Социалистик мамлакатлар иқтисодий қудратининг ўсиши, жаҳон экономикасида уларнинг салмоғи кўпайиб бораётганлиги халқаро ҳамкорлик имкониятларини, халқаро кескинликни янада юмшатиш мақсадидаги, шунингдек иқтисодий, илмий, техникавий, маданий соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш мақсадидаги ҳамкорликни кенгайтиради.

КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарори, деб давом қилди А. Н. Косигин, партиямизни социалистик давлатларни янада жипслаштириш, улар билан ҳар томонлама қардошлик алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун бундан буён ҳам зарур ҳамма ишларни қилишга отлантирмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун биз социалистик иқтисодий интеграция имкониятларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишимиз лозим. Шунинг учун биз ушбу сессияда комплекс программа билан боғланган масалалар муҳокама этилишига биринчи даражали аҳамият берамиз.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИНИНГ XXVII СЕССИЯСИ

А. Н. Косигин социалистик мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришда эришилган шубҳасиз муваффақиятлари қайд этиб, эришилган ютуқларни баҳолаётганда уларни ўтмиш билангина эмас, шу билан бирга бизнинг шу кундаги эҳтиёжларимиз ва имкониятларимиз билан ҳам таққослаб кўриш керак, деди.

А. Н. Косигин ишлаб чиқаришни иқтисослаштириш ва кооперациялаш масалаларига, шунингдек иқтисодий интеграцияни ривожлантириш масалалари асосида социалистик планлаштириш проблемаларига ҳам катта эътибор берди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган ҳамма мамлакатлар 1976—1980 йилги халқ хўжалик планларини уйғунлаштиришга киришган ҳозирги кунларда шу масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун энг қулай шароитлар вужудга келтирилмоқда. Социалистик планлаштиришни социалистик интеграциянинг ривожланиши билан чамбарчас боғлаб янада такомиллаштириш Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлигини чуқурлаштиришга ёрдам беради ҳамда шу мамлакатлар юритаётган хўжалик қурилишининг янги босқичига мос бўлиб тушади.

А. Н. Косигин ёқилғи-энергетика саноатини, атом энергетикасини ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда Кенгашга аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам тўхталди.

Ўтган йиллар ичида кўп ишлар қилинди. Халқаро муносабатлар тарихида биринчи марта шундай ишлар қилинганлиги айниқса муҳимдир, деди пировардида совет делегациясининг бошлиғи. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган социалистик мамлакатлар мутлақо янги йўллардан бориб, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда бой тажриба орттиришди ва бу ҳамкорлик доимо тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, ўзаро ёрдам асосларида, социалистик интернационализм принципларида олиб борилмоқда. Биз шундай ҳамкорлик асосларига суяниб ташкилотимиз фаолиятида вужудга келувчи масалаларни албатта ҳал қиламиз. Ҳаёт олдимизга янги-янги вазифаларни доимо қўйиб бораверади. Шунинг учун ҳам Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг самарали фаолиятини янада ривожлантириш учун, кўп томонлама ҳамкорлигимизни такомиллаштириш учун янги йўлларни белгилаш табиий ҳолатнинг ўзидан иборат бўлиб қолмай, шу ташкилотга қатнашувчи барча мамлакатлар социалистик ва коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишига, социализм мамлакатлари ҳамдўстлиги қудратини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи ташкилотнинг ҳаётийлик аломати ҳам ҳисобланади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши XXVII сессиясининг кечки мажлисида кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилиш давом этди.

БОЛГАРИЯ. Сиз ушбу суратда Варна тўқимачилик комбинатининг ишчиси, коммунист Анка Петрова ни кўриб турибсиз. У Болгарияда меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришгани учун икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони га сазовор бўлган биринчи аёлдир.

БТА—ТАСС фотоси.

ВДР ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПЕКИНГА КЕЛДИ

ПЕКИН, (ТАСС). Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан ҳамда Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва ВДР ҳукуматининг бош министри Фам Ван Донг бошчилигидаги ВДР партия-ҳукумат делегацияси расмий визит билан Пекинга келди. Делегация Хитой Компартияси Марказий Комитети билан Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан келди. Аэродромда делегацияни Чжоу Энь-лай, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

«СОВЕТ ИТТИФОҚИНИ КИМ ЯХШИ БИЛАДИ?»

КОҲИРА, 5 июнь. (ТАСС). Бу ерда «Совет Иттифоқини ким яхши билади?» конкурсининг якунловчи даврасы бўлиб ўтди. Бу конкурсда совет маданият маркази ҳузурида ташкил этилган рус тили курсининг энг яхши 15 битирувчиси қатнашди.

Конкурс иштирокчилари рус тилини икки йил ўрганганларидан кейин совет халқининг турмуши тўғрисидаги, унинг тарихи ва адабиёти ҳақидаги, совет ва миср халқларининг дўстлиги тўғрисидаги, СССР Мисрга ҳар томонлама бераётган ёрдам ҳақида саволларга жавоб қайтардилар.

Конкурсда эпидемиолог врач Жорж Абдул Аҳад биринчи ўринни олди. У Совет Иттифоқига 2 ҳафталик сафар йўлланмаси билан мукофотланди.

«Мен Совет Иттифоқига бориш шарафига муяссар бўлганлигимдан бахтиёрман, — деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда. — Рус тилини ўрганиш совет халқи билан миср халқи ўртасидаги дўстона муносабатларни кенгайтиришга кўп жиҳатдан ёрдам беради деб ҳисоблайман».

Кеча Искандарияда ҳам ана шундай конкурс бўлиб ўтди. Бу конкурснинг ғолиби ҳам СССРга икки ҳафталик сафар йўлланмаси билан тақдирланди.

«СКАЙЛЭБ» ОРБИТАЛ СТАНЦИЯСИНИНГ УЧИШИ

НЬЮ-ЙОРК, 5 июнь. (ТАСС). Кейинги икки кун ичида Америка «Скайлэб» космик станциясининг космонавтлари астрономик ва медицинавий характердаги илмий тадқиқотлар, шунингдек табиий ресурсларни тадқиқ этиш эксперименталари программасини давом эттиришди.

Космонавтлар Ч. Конрад, Ж. Кервин ва П. Вейтц Калифорния штатининг шимолий қисмидан Мексиканинг жанубий районларигача ҳамда Канаданинг шимоли—ғарбий районларидан Кариб денгизи районигача (Кеннеди бухтаси орқали) чўзилган ер полосасини, шунингдек Вайоминг ва Монтана штатларининг тоғлик районларини махсус асбоблар ёрдами билан ўрганишди. Шу экспериментларнинг мақсади таркибида нефть, кўмир ва олмос каби фойдали қазилмалар бўлиши кутиладиган геологик тузилишларни топишдан иборат. Ердаги олимлар космонавтларнинг қуёш кузатишларини юксак баҳолашмоқда. Улар бу кузатишларни «қуёш физикасини ўрганишга қўшилган катта ҳисса» деб ҳисоблашмоқда.

НАСА раҳбарлари ва мутахассисларининг 4 июнь куни Ж. Маршал номли космик учишлар марказида (Алабама штати) бўлиб ўтган кенгашида «Скайлэб» экипажи командири Ч. Конраднинг 7 июнь куни Очиқ космосга чиқиб, станция блокидаги қуёш батареялари панелини қисиб, унинг иш ҳолатига ўтиб очилишига имкон бермаётган метеор экрани парчасини олиб ташлашга уринишига руҳсат беришга қарор қилинди. Қуёш батареяси панели очилмаслиги натижасида космонавтлар электр энергия танқислигига учрашмоқда ва илмий тадқиқотлар программасини қисқартиришга мажбур бўлишмоқда.

Медикларнинг айтишича, космонавтларнинг аҳволи станциядаги ўн биринчи кунда ҳам яхши.

ОКЕАН СИРЛАРИ ОШКОР БЎЛМОҚДА

СОВЕТ ВА АМЕРИКА ОЛИМЛАРИНИНГ БИРГАЛИКДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРИ

1975—1976 йилларда Атлантика океанининг экваториал қисмида ўтказиш белгиланган янги халқаро океан эксперименти Моде деб аталди. Унинг программасидаги асосий ишларни америка ва совет океанологлари бажарадилар.

Экспериментнинг асосий вазифалари нималардан иборат? Совет ва америка океанологларининг ҳамкорлиги яна қайси соҳаларда ривожланмоқда?

ТАСС мухбирининг ана шу саволларига СССР Фанлар академияси океанология, атмосфера физикаси ва география бўлимининг академик секретари, академик **Л. М. Бреховских** қуйидагича жавоб берди:

— Океанда гирдоб типидаги ҳаракатларни биргаликда аниқлаш кейинги вақтлара экспериментал океанологиядаги энг мароқли ва муҳим воқеаларнинг бири бўлиб қолди. Биринчи марта бундай ҳаракатларни совет олимлари Атлантика океанида пайқаб қолдилар. Бу ҳодисани ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг фикрига кўра, гирдоблар атмосферадаги циклонлар ва антициклонлар сингари ердаги об-ҳавога катта таъсир ўтказади.

Океандаги катта миқёсли гирдоб оқимлари тўғрисидаги энг тўлиқ маълумотларни совет олимлари 1970 йилда Атлантиканинг тропик қисмида ўтказилган олти ойлик гидрофизика эксперименти вақтида аниқлаган эдилар. Жумладан, гирдоб оқимларининг диаметри аниқланди. Унинг диаметри бир неча юз километрга борар, ҳаракат тезлиги эса секундига бир неча сантиметрга етар экан. Гирдобларнинг вужудга келиш сабабларини илмий жиҳатдан аниқлаш учун халқаро ҳамкорлик қилиш мақсадга муворифиқ эканлигини тадқиқотларнинг якунлари кўрсатди. Шу муносабат билан совет ва нет эл океанологлари орасида яқин йилларда Моде деган шартли ном билан халқаро лойиҳани амалга ошириш фикри туғилди.

Бу лойиҳанинг асосий вазифаси — гирдоблар ҳаракатининг келиб чиқиш сабабларини ва ривожланишини ўрганишдан иборат. Уни бажариш учун Атлантика океанининг экваториал қисмида лангарларга боғлаб қўйилган станцияларнинг кенг шохобчасини ўрнатиш мўлжаллаб мокда. Улар ярим йил — икки йил давомида зарур маълумотларни узлуксиз қайд этиб туради.

Ҳозирги вақтда Атлантикада, Бермуд ороллари билан Багам ороллари ўртасидаги тахминан ярим йўл чамаси жойда Америка океанологлари Моде — 1 илмий экспериментни ўтказмоқдалар. Бу экспериментда совет олимлари, шунингдек АҚШнинг 14 та илмий-тадқиқот муассасаси, Англия миллий океанология институти, Гамбург (ГФР) ва Гетеборг (Швеция) университетлари қатнашмоқда.

Совет ва америка океанологларининг куч-ғайратлари билан кўпгина мароқли ишлар ўтказилди. Аввалига бу ишлар илмий информацияни айрибошлаш билан чекланар эди. Сўнгра, 1963 йилда совет тадқиқот кемаси — «Михаил Ломоносов» билан Американинг «Чейн» кемаси океаннинг физикавий хусусиятларини халқаро ўрганиш вақтида бир-бирларига илмий ходимлар ўтказиш учун Атлантика океанининг ўрта қисмида учрашдилар.

1967 йилда АҚШнинг Атлантика соҳилида балиқ овланадиган районларни биргаликда ўрганиш учун «Альбатрос операцияси» ўтказилди. Шу программа доирасида Американинг бир неча олими совет кемасида ва бир неча совет олими америка кемасида ишладилар. 1969 йилда «Атлантис-2» кемасида биргаликда иш ўтказилди: Қора денгизда биологик ва геологик тадқиқотлар бажарилди. Оқим ўлчоғларини ўзаро калибрлаш юзасидан 1970 йилда Атлантикада ўтказилган мароқли экспериментни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Океан кун сайин тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига кўпроқ жалб қилмоқда. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки ҳозир инсоннятга океан бераётган даромад йилига кўп миллиард сўмлар билан ўлчанади. Бу даромаднинг асосий қисмини денгиз транспорти билан балиқ саноати бериб турибди. Очиқ океанда ва унинг саёз жойларида чўкинди жинсларни пармалаш фойдали қазилмаларнинг янги запасларини очишнинг ғоят самарали методидир. СССР ва АҚШ олимларининг биргаликда қилаётган ишлари океан сирларини тезроқ билиб олишга, унинг бойликларини инсонга хизмат қилдиришга ёрдам бериши шубҳасиз.

ҲИНДИСТОНДА РАКЕТА УЧИРИЛДИ

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган ракета Андҳра—Прадеш штатининг Шрихариготадаги ўчириш майдончасидан синаш мақсадида муваффақиятли учирилди. Бу ракетани учириш Ҳиндистонда космик тадқиқотларни ташкил этиш программасининг бир қисмидир. Бу эксперимент ракеталарни учириш тафсилотларини ишлаб чиқиш, шунингдек бошқарув системасини синаб кўриш имконини беради. Экспертларнинг айтишича, ракетани учириш қоидалари ўтган.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ВАРШАВА. Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри О. Ольшовскийнинг таклифига биноан Чехословакия ташқи ишлар министри Б. Хнеупек дўстона расмий визит билан Варшавага келди.

◆ САНТЬЯГО. Чили ички ишлар министрининг ўринбосари Даниэль Вергара журналистларга бундай деди: республика ҳукумати Ранкагуа шаҳрида тартибсизлик чиқаришда айбдор бўлган игвогарларга қарши қаттиқ норалар кўради. Фашистлашган унсурларнинг шайкалари ана шу шаҳар кўчаларида полициячилар билан тўқнашув уюштирдилар, Чили Коммунистик ёшлар союзи ва бошқа тараққийпарвар ташкилотларнинг биноларига ўт қўйишди ва ҳужум қилдилар, вилоят префектураси биносига бостириб кириша уринди-лар. Маъмурлар ана шу жиноий ҳаракатларнинг қатнашчиларидан 80 дан кўпроқ кишини қамоққа олди.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Америка авиацияси Камбоджанинг озод қилинган районларига ёпирилиб бомбардимон қилишни давом эттирди. Бу операцияларда «В-52» стратегик бомбардимончи самолётлар иштирок этди. Тинч океан районида АҚШ қуролли кучлари қўмондонлигининг вакили Гонолулуда ана шуни маълум қилди.

◆ БРАТИСЛАВА. ССР Иттифоқи Давлат Большой театри труппаси гастрол бериш учун бу ерга келди. Словакия Социалистик Республикаси жамоатчилиги ва матбуоти совет артистларининг гастролларига зўр қизиқиш билан қарамоқда. Братиславадаги гастроллар П. И. Чайковскийнинг «Пиковая дама» операсини кўрсатиш билан бошланди.

◆ БРАЗИЛИА. Бразилия пойтахтида электр энергиянинг нархи 11 процент оширилди. Шахта ва энергетика министрлиги миллий электр энергия департаментининг кўрсатмасига мувофиқ, электр энергия нархи оширилди.

◆ БЕРЛИН. Германия Демократик Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган ташкилоти — жаҳон почта союзининг аъзолигига қабул қилинди.

◆ САНТЬЯГО. Чилидаги энг йирик «Чукикамата» конининг маъмурияти ва ана шу кон жойлашган Калама департаментининг губернатори Эдуардо Чукура бирлигида баёнот эълон қилдилар. Баёнотда айтилишича, конниинг нормал ишлашига халқит бериш учун уриниб кўрадиган шахслар жиноий жавобгарликка тортилади. Баъзи касаба союзларининг оппозициячи раҳбарлари ҳондаги бутун саноат комплексини электр энергия билан таъминловчи электр станциясининг ишини тўхтатиб қўйишга урининганликлари сабабли ана шу баёнот эълон қилинди.

Чили реакциясининг навбатдаги ана шу хуружи тескаричилар «Чукикамата» конининг ишини ҳар қандай йўл билан издан чиқаришга интилаётганлигини исбот қилади.

◆ НЬЮ-ЙОРК. «НН-1» армия вертолёти Техас штатидаги Форт Уорт ҳарбий базаси яқинида қулаб тушди. Вертолётдаги экипажнинг уч аъзоси ҳам ҳалок бўлди. (ТАСС).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Жанубий Вьетнам Республикасига келган СССР элчиси А. И. Елизаветин Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгашининг раиси Нгуен Хиу Тхога ишонч ёрлиғини топширди.

Ишонч ёрлиғини топшириш тантанали маросими ЖВР Муваққат революцион ҳукумати назорат қилиб турган Жанубий Вьетнам районларидан бирида бўлиб ўтди. А. И. Елизаветин билан Нгуен Хиу Тхо нутқ сўзладилар.

Совет Иттифоқи, деди элчи, империализмга қарши, реакция ва уруш кучларига қарши узоқ вақт давомида ва фидокорона кураш натижасида Жанубий Вьетнам ватанпарварлари эришган ғоят буюк ғалабага юксак баҳо беради.

Урушни тўхтатиш ва Вьетнамда тинчликни тиклаш тўғрисида Парижда имзоланган Битим Жанубий Вьетнамнинг демократия, мустақиллик ва бетарафлик йўлидан ривожланиши учун янги имкониятлар очиб беради.

Нгуен Хиу Тхо ўзининг жавоб нутқида Вьетнам халқининг эришган ғалабасига берилган юксак баҳо учун миннатдорчилик изҳор қилди.

У ишонч билдириб айтдики, КПСС, Совет ҳукумати ва қардош совет халқи юксак интернационализм руҳида Вьетнамнинг адолатли ишига бундан кейин ҳам мадад ва ёрдам бераверади. Нгуен Хиу Тхо КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневга, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорнийга, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигинга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилади ва Жанубий Вьетнам билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва бирдамликни табриклади.

С. АФОНИН,
ТАССнинг Жанубий Вьетнамнинг озод қилинган районларидаги махсус мухбири.

БЕРТА ХОЛА ВА ИНФЛЯЦИЯ

(ФЕЛЬЕТОН)

Британиянинг консерваторлар ҳукумати эўр бериб ишчилар ҳуқуқларига ҳужум қилмоқда. Айни пайтда у ўз ҳаракатларини социал эҳтиёжлар ниқоби остига яширишга уринаётир. Бироқ бу хатти-ҳаракатлар оддий уй бекасини ҳам чалғита олмайди, дея ёзади буржуа журналисти «Гардиан» газетасида босилган ушбу фельетонида.

— Шундай қилиб, — деди кеча серташвиш Берта хола, — дўстинг Хит (Англия консерваторлар ҳукуматининг бош министри — Ред) энди кимнинг ёқасидан олади?

— У менинг дўстим эмас... Қолаверса, сиз нимани назарда тутиб бундай деяпсиз?

— Нега энди, иш ҳақи мана неча ойдирки «музлатиб» қўйилган. Нарх-наво бўлса борган сари ошгани ошган. Касаба союзларнинг инфляцияга (пулнинг қадрсизланиши — Ред) ҳеч қанақа алоқаси йўқлигини ҳатто калтафаҳмлар ҳам билади. Хит бўлса ҳаммасига касаба союзлар айбдор, деб даъво қилянти.

— Бу ўринда сиз ҳақсиз, Берта холажон.

— Ҳа, бўлмасам-чи. Ташқи савдодаги кўрсаткичларнинг ёмонлигига ҳам касаба союзлар айбдор эмас. Энди Хит қароқчилар деб кимни айблай олади?

— Мен қайдан билай?

— Мана, мен биламан. Франция, Италия, Ғарбий Германияни айблайди. Нима бало, сен газета ўқимайсанми? Ҳаммасига чет элликлар айбдор.

— Афсуски, биз инфляциянинг бостириб киришидан ўзимизни ҳимоя қила олмаймиз, бу мумкин эмас.

— Баракалла, Уильям. Лекин Хит сайлов арафасида чет элликлар ҳақида ҳеч нарса демади. У фақат нарх-навони пасайтираман, деб қасамёд қилди. Яқинда унинг министрларидан бири фунт стерлингнинг қиммати ҳақида нима ёзганини ўқидингми? Консерваторлар ҳукумати ҳокимият тепасига келганидан бери фунт стерлинг қиммати бешдан бирга қисқариб кетди.

— Холажон, сизни ишонтириб айтаманки, консерваторларнинг омади келмади. Лекин барибир, инфляция бўлишига қарамай, бизда сўнгги йиллар ичида бунчалик иқтисодий ўсиш бўлмаган эди. Хатто ҳозир ҳаммаёқда «Британия иқтисодий мўъжизаси» ҳақида гап кетаётир.

— «Мўжизанг» ўзингга буюрсин, Уильям. Унинг халққа бир тийинлик ҳам нафи теккани йўқ. Иқтисодий кўрсаткичлар билан озиқ-овқат сотиб олиб бўларми? Афсуски, йўқ! Яхшиси, сен шуни айтчи: иш ҳақи қантарибқўйилган бўлсаю нарх-наво тинимсиз ошиб кетаётган бўлса, «мўъжизанг»нинг кимга фойдаси бор? Албатта, бизгамас, ҳамёни катталарга-да! Саноат компанияларининг олаётган фойдасини бир ҳисоблаб кўр...

— Холажон, мунча безовта бўлмасангиз. Ахир ҳукумат компаниялар бу фойдаларни янги корхона, янги ускуналарга сарфлайдилар, деб умид қиляпти-да.

— Мана, кўрдингми! Янги заводлар. Кимга? Президентлар ва бошқарувчи директорларга.

— Ахир тушунсангизчи, холажон! Касаба союзлар ҳам иқтисодий юксалишни ёқлаб чиқяпти.

— Сенга нима бўлди, ўзи. Дунёни энди кўряпсанми? Иқтисодий юксалиш — монополияларнинг кучайиши деганг. Бунинг устига компаниялар ҳом ашёни борган сари четдан кўпроқ сотиб олаётирлар. Фунт стерлингнинг ҳозирги баҳосида эса биз четга уч баробар қиймат тўлаяпмиз. Ахир бу инфляцияни баттар кучайтирмайдими?

— Оббо, холажоней, ашаддий иқтисодчи чиқиб қолдингизку...

— Хушомад қилмай қўя қол, Уильям. Яхшиси, гапимни эшит. Агар нарх-наво шу тариқа ошиб бораверса, иқтисодий юксалиш борми йўқлигидан қатъи назар, касаба союзлар янада қатъийроқ ҳаракат қила бошлайдилар. Ана шунда хорижийлар ҳақида ҳар қандай миш-мишлар ҳам уларни бу йўлдан қайтара олмайди. Тажриба шуни кўрсатяптики, Хит «антиинфляцион» сиёсатининг турган битгани адолатсиз.

— Шундай экан, сизингча нима қилиш керак?

— Нима қилиш керак, дейсанми? Компанияларга нисбатан қаттиққўл бўлиш, ошиқча фойда олишларга чек қўйиш, монополияларни нарх-навони пасайтиришга мажбур қилиш керак...

— Жуда ошириб юбордингизку, холажон! Бу гапларингиздан эркин бозор ишларига жиддий аралашиш ҳиди келяпти.

— Хит бу ишларга аллақачон аралашди. Ҳа, иш ҳақини оширмай қўйгандан бери. Яхшиси Уильям, ўз Хитингга айтиб қўй, биз, уй бекаларининг маслаҳатларига қулоқ солсин. Ахир Даунинг-стрит (Англия бош министрлари қароргоҳи Лондондаги ана шу кўчада жойлашган — Ред)даги бинони унга биз бергаймиз. Лекин биз уни у ердан ҳайдаб чиқаришимиз ҳам мумкин.

Уильям ДЭВИС,
(«ЗА РУБЕЖОМ»дан).

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

ШИРИН-ШАКАР МЕВАЛАР

Боғбонлар, сабзавоткорларнинг қўли қўлига тегмайди, ҳамма ҳосил йиғим-теримм билан банд. Боғларда гилослар кўзни қамаштиради, пайкалларда помидор, бодринг, карам қулф уриб етиляпти. Уларни тезда териб олиш, шаҳарлик дўстлар дастурхонига жўнатиш керак. Яна вазият шуниси билан тиғизки, эртаги мевалардан сўнг ўртагиларн пишай деб турибди, кечкилари ҳам ранг оляпти. Мевалар терими кечиктирилса, ҳосилга путур етади, сифат қўлдан кетади. Шу боисдан шошилиш керак, лекин пала-партишликка йўл қўймаслик зарур. Мева, сабзавот йиғим-теримида тадбиркорлик, оқилона иш тутиш, маҳсулот тайёрловчилар билан қабул қилувчилар ишини бир-бирига уйғунлаштириш, консерва заводлари, қиём, шарбат тайёрлаш цехларининг ишини жонлантириш лозим.

Энгельс номли колхозда иш шундай ташкил қилинган. Боғлардаги мевалар ғарқ пишди. Бу йил ўтган йилдагидан икки баравар кўп мева тайёрлаш учун кураш бошланди.

Агротехника қоидалари асосида парваришланаётган 158 гектар майдондаги эртаги помидор, карам, пиёз, сабзи, пешма-пеш пишяпти, қисқа вақтда аҳолига тонна-тонналаб пиёз, карам жўнатилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Хушвақт Яхшибоев бригадаси аъзолари гектаридан 500 центнердан сабзавот хирмони кўтариш учун курашяпти. Ҳамро Ғаниев звеносида ҳосилдорликни 650 центнерга етказиш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Ҳалол меҳнат ўз самарасини кўрсатмоқда. Эртаги сабзавот экинлари ҳосилдорлиги ўтган йилдагидан анча юқори бўлди. Айрим звенолар ҳозирдаёқ сабзавот маҳсулотлари планларини бажарай деб қолди. Колхоз бўйича 6.500 тонна сабзавот олиш планлаштирилган эди. Ҳосил чўғи, деҳқонлар ҳаракати буни ошириб бажаришдан далолат беряпти.

Хўжаликнинг 370 гектар токзори бор. Соҳибкорлар 5.800 тонна узум етиштириш мажбуриятини олди. Агротехника қоидалари асосида парваришланаётган токзорларда айниқса мўл ҳосил етиштирилмоқда. Бу йил ҳар гектар токзордан олинадиган ҳосилни ўтган йилдагидан анча кўпайтириш чоралари кўриляпти. Айни кеҳда узум узим мавсумига ҳамма нарса шайланяпти.

Шу кунгача ҳар квадрат метр жойдан 6 килограмм ўрнига 12 килограммдан бодринг, помидор йиғиб олинди. Ўртаги ва кечки экинлар парвариши авж олдириляпти. Самарқанд районидаги бошқа хўжаликларда ҳам мева ва сабзавот йиғим-терими тобора кучайтириляпти.

Б. ИМОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

Ёшлар саҳнасида

Андижон давлат медицина институти студентлари орасида санъатга ҳавасмандлар кўп. Шунинг учун ҳам бу ердаги драма тўгараги машғулотлари мунтазам ўтиб туради. Студентлар санъатга бўлган қизиқишларини яна бир синовдан ўтказдилар. Зиннат Фатхуллиннинг «У туғилган кун» драмаси дастлабки бор намойиш қилинганда, тамошабинлар ёш ижрочиларни қизғин олқишлаш ди. Асарни фалсафа фанлари кандидати, доцент Қодиржон Офаринов саҳналаштирди. Спектакл да бош ролларни студентлардан Муҳаббатхон Алижонова, Манзурахон Тўйчиевалар ижро этишмоқда.

З. ҲАМРОҚУЛОВ.

Кармана гидроузелининг фойдаланишга топширилиши катта воқеа бўлди. Бу янгилик шу атрофдаги ёшу қарини ҳаяжонга солгани бежиз эмас. Айниқса кенса авод иниқилобдан аввалги сувга зорлик тарихини яхши билади. Суратда: меҳнати ғаштини сураётган пенсионер отахонлар — Самарқанд область Пахтачи районидаги Карл Маркс номли колхозда истиқомат қилаётган Абдулла ота Жумаев билан Тошмурод бобо Юсупов гидроузелда.

Ш. Мўминов фотоси.

АЖАБ САВДОЛАР

„ҚАТЪИЙ ҚАРОР"ЛАР

Одамлар, одамлар, эшитмадим деманглар, ажаб савдоларга дучор бўлган «қатъий қарор»лардан воқиф бўлинглар. Бу «антиқа» қарорлар Тошкент область Оржоникидзе районидаги сиртдан ва қатнаб ўқийдиган Қибрай посёлка советидаги 1-Улуғбек шаҳридаги 3-ишчи-ёшлар мактаблари педагогика советларида қабул қилинган.

«Ўтирган бўйра, юрган дарё» деганларидек, ўқув машғулотлари тугаши арафасида юқоридаги мактабларга ташриф буюрдик. Дастлаб сиртдан ва қатнаб ўқийдиган мактабнинг Арғин ўқувконсультация пунктида бўлдик. Ҳам ажойиб, ҳам ғаройиб мактаб!

— Қадамларингизга ҳасанот! — қарши олишди педагогик коллектив. — Ёш келса ишга, қари келса ошга. Сиз, азизларим, педагогика советимиз ишида қатнашиш шарафига муяссар бўлдинглар.

Қаттиқ жиринглаган қўнғироқ ҳаммани тетиклантириб юборди. Мактабнинг 11 кишидан иборат ўқитувчилар коллективи белгиланган хонага йиғилишди.

Область сиртдан ва қатнаб ўқийдиган мактабнинг Байитқўрғон бўлими Арғин ўқув-консультация пункти раҳбари Маҳамад Мусаев педсоветни қисқача кириш нутқи билан очаркан, йиғилганларга деди:

— Бугун галвирни сувдан кўтарадиган кун. Ўқув йили давомида қилинган ишларни қисқача якунлаб, имтиҳон масаласида бир оз маслаҳатлашиб оламиз. Синфдан-синфга кўчувчи ва имтиҳонларга кирувчи ўқувчилар учун махсус буйруқлар ишлаб чиқамиз.

Ҳамма унинг гапини бир овоздан маъқуллади. Доклад қилиш учун ўзига-ўзи сўз берди. Минбарда Маҳамад Мусаев:

— Мен сизга айтсам, ўртоқлар, шу бугундан эътиборан ўқув машғулотлари ниҳоясига етди. Бугун эса педсовет. Ойни этак билан ёпиб бўлмаслигини ҳаммангиз яхши биласизлар. Педагогика советига тайёргарлик олдидан синф журналларининг юритилиши ва программа материалларининг бажарилишини бир ҳомчўт қилиб чиқдим. Сизлардан яшиradиган нарса йўқ. Эшитинглар.

Олди педагогларимиз, яъни биологимиз Нажим Бурхонов билан химигимиз Шукур Шераliевлар якуний баҳоларни бундан анча олдин чиқариб қўйишибди. Лекин...

Ҳамма гап ана шунда. Улар мен билан ҳисоблашмай, шошма шошарлик қилишибди. Негаки, мен бугунги йиғилишимизнинг қарорини олдиндан тайёрлаб қўйганман. Менинг ҳисоб-китобим бўйича бу йил 11-синфни 15 ёш тамомлаши керак. Ўқув йили бошида уларнинг сони 23 та эди. Ажабланарлиси шуки, Ш. Шераliев химиядан 14 ўқувчига чораклик йиллик ва якуний баҳо чиқарган. Н. Бурхонов эса (унинг ҳисобида 24 ўқувчи бор) 10 ўқувчига якуний баҳо қўйган. Педсовет қарорига биноан 5 ўқувчи — И. Исоқов, Х. Айтенов, К. Ҳайдаралиев, М. Минаваров, Б. Исоқовлар имтиҳонларга киритилган. Афсуски, бу ўқувчиларнинг биологиядан лоақал биронта ҳам баҳоси йўқ. Ўқитувчи Нажим акаининг таъкидлашича, юқорида исм-фамилияси келтирилган болалар мактаб юзини кўрмаганмиш. Шу ҳам гап бўлди-ю...

Қизиқ. Мана, мен, физигимиз Омон Умаров, тил-адабиёт ўқитувчимиз Хурсаной Шераliевалар йил давомида давоматини журналда қайд этмадим. Шунга ҳам ота гўри қозихонами?!

Узларинг яхши биласизлар, мен 11-синфнинг раҳбариман. 15 ўқувчининг билимини «қотириб» баҳолаб қўйдим. Биримизда 10 та, бошқамизда 14 та, яна биримизда 15 ўқувчи имтиҳонларга киритилган. Сонларнинг, рақамларнинг мағзини чақиб кўринг. Арифметикада ҳам, математикада ҳам бунақа гап йўқ.

Синф журнали — давлат ҳужжати, мактаб паспорти. Шундай бўлса-да, бизнинг журналларимиз ҳолига маймун йиғлайди. Шу ўринда жамиятшунослик фани учун ажратилган саҳифани мисолга келтириб ўтай. Шу фандан дарс берувчи Муносиб Жўраев ўқув йилининг биринчи ярим йиллигида 23 ишчи ёшдан 17 тасига, иккинчи ярим йилликда эса 7 ўқувчига баҳо қўйган. Қолган 16 ўқувчи II ярим йилликда умуман дарсга қатнашмаганлиги кўрсатилган. Кези келганда ўртоқ Жўраевнинг ҳам бир ажойиб фазилатини айтиб ўтай. У 8, 15, 22 май кунлари икки соатдан дарс ўтгани ҳолда журналнинг «Дарсда нима ўтилди» графасига бир соатдан тема учун жой қолдирган. «Билса ҳазил, билмаса чин», деганлари шу бўлса керак. Бунинг устига-устак ўтилган дарс темалари журналга ёзилмаган. Ана программа материалларининг бажарилиши-ю, ўқувчилар ўзлаштириши ва уларнинг давомати.

Чет тили ўқитувчимиз Ася Лихтина қип-қизил қўзбўямачи экан. У 5 февралдан 19 майгача на давоматни, на ўқувчилар билимини ва на ўтилган дарс темаларини журналга ёзган. Лекин шу даврнинг ичида дарс соатлари учун давлат пулини қуртдек санаб оларган.

Умуман, ўртоқлар, бизда тартиб-интизом, таълим-тарбия ишлари, журнал юритиш ва уни тўлдириш кабилар ҳаддан ташқари ёзган чиққан десам, ҳеч муболаға эмас. Давомат шу даражага борib етганки, 50 га яқин ўқувчидан ҳар кунги машғулотларга 9-10 таси қатнашди. Битта мисол. Куни-кеча 9, 10, 11-синфларда ҳаммаси бўлиб 9 ўқувчи билан дарс ўтилди.

Бу ерда фақат 11-синф хусусида қисқача тўхталиб ўтдим, холос. Дадил айтиш керакки, 9, 10-синфларда аҳвол юқоридагидан беш баттар. Яқин кунлар ичида мактабимиз директори Г. Т. Арютюнов бизнинг ўқув-консультация пунктимизга қадам ранжида қилиб, ўзининг қимматли маслаҳатларини бермаса, ўзбошимчаликларни бартараф этиш чораларини кўрмаса, мисимиз чиқиб қоладиганга ўхшаб турибди. Ўтган ишга саловот. Гап шуки, мактаб бўйича 9-синфдан 14 ўқувчи, 10-синфдан 15 ўқувчи синфдан-синфга кўчиш имтиҳонларига киритилсин. 11-синфнинг 15 ўқувчиси мактабни тамомлаш имтиҳонларига қўйилсин. Қарор қатъий. Уни бажариш қонун. Шунга қараб иш қилинглар, азиз касбдошларим.

Қибрайдамиз. Тошкент-Бўстонлиқ магистрали бўйида, қуюқ дарахтлар орасидан 1-ишчи-ёшлар мактаби «мўралаб» турибди. Мактаб директори Ш. С. Аблязов ўқитувчиларни ўз ҳузурига чақириб олган. Афтидан у киши ҳам педсовет ўтказяпти.

У елка қисиб алланималар дерди:

— Мактабимиздаги мавжуд 5 та синфда йил охирига келиб 81 ўқувчи қолди. Биздаги 11 педагогдан (менинг ҳам кундузги мактабда 4 соат дарсим бор) 10 таси «йўлдош» ўқитувчилардир. Имтиҳонларга тайёргарлик масаласида шу нарсани айтиш керакки, консультация жадвали тузмадик. Билимлар синовига чорловчи шиорларни осиб қўймадик.

Йил давомида таълим-тарбия соҳасида олиб борилган ишлардан бир шингил. Мен 1972—73-ўқув йилида ҳаммаси бўлиб 14 соат дарс таҳлил қилдим. Кўплаб ўқитувчиларга методик маслаҳатлар беролмадим. Бунинг учун узр, ўртоқлар.

Бизда саводхонлик масаласи ғовлаб кетибди. Узбекистон ССР Маориф министрлигининг республика мактабларида 1972—73 ўқув йилини якунлаш, синфдан-синфга кўчириш ва тамомлаш имтиҳонларини ўтказиш тўғрисидаги буйруғини ҳам шошма-шошарлик билан ёзганлигимиз сабабли кўплаб хатоларга йўл қўйибмиз. Ўқув йили охирида давомат ҳаддан ташқари пасайиб кетди. 21 май куни 81 ўқувчидан 20 бола дарсда бўлди. Қолган 61 таси, умуман, машғулотга келмади.

Улуғбек шаҳридаги 3-ишчи-ёшлар мактабининг директори Г. Д. Хаймахон ҳам биздан педагогика советида қатнашишни илтимос қилганди. Шунинг учун ўртоқ Хаймахонинг педсоветда сўзлаган нутқини қисқа бўлса-да келтирмасак, у киши хафа бўлиши мумкин. Сўз ўртоқ Хаймахонга:

— Мактабимиз кундузги мактаб биносида. Жой ҳам, синфхона ҳам етарли. Лекин 7-синфни ўқитувчилар хонасида ўқитамиз. 22 май куни 7-синфдан битта ўқувчи келибди, холос. Синфхоналаримизда ҳамма нарса етарли бўлса-да, бизлар дарсларни чироқ ёқмасдан қоронғида ўтказамиз. Исмини айтиш мурувватдан эмас. Тарих ўқитувчиси қачон қарамайлик қоронғида дарс ўтади. Нима учун шундай қилади, ўзим ҳам билмайман. Ўқувчилар билими қай даражада эканлигини имтиҳон натижалари кўрсатар. Ҳар ҳолда ўқувчилар юзимизни ерга қаратмаса керак. Энг муҳими, имтиҳон бўладиган кунлари ҳар бир ўқитувчи рўйхатдаги болаларнинг бирортасини ҳам қолдирмасдан мактабга олиб келсин. Чунки контингент масаласида кейинчалик уялиб қолмайлик. Қолган гапларни ўқув йили охирида— имтиҳонлар тугагач, маслаҳатлашиб оламиз...

Педагогика совети қарорини оққа кўчирувчилар:
М. МИРАҲМЕДОВ,
О. ҚОБИЛЖОНОВ,
Оржоникидзе райони.

Спорт янгиликлари

Дастлабки муваффақият

Тошкент «Университет» командасининг баскетболчилари Тбилиси педагогика институти коллективи билан «А» класси биринчи группаси командалари ўртасида мамлакат биринчилигида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш учун беллашдилар. Пойтахтдаги «Ёшлик» манежида бўлиб ўтган ўйин 90:78 ҳисобида ўзбек спортчилари ғалабаси билан тугади.

«Университет» командаси тўққизинчи июнда Тбилисида бўладиган такрор ўйинда ўз рақибига ютқазмаса, келаси йили биринчи группада қатнаша олади.

Иккинчи эшелонда

СССР футбол федерацияси биринчи лига командалари ўртасида 4 июнда бўлиб ўтган мамлакат биринчилиги ўйинларининг натижасини маълум қилади:

«Нистру» (Кишинев) — «Строитель» (Ашхобод) — 3:0, «Спартак» (Иванов—Франковск) — «Помир» (Душанбе) — 1:0, «Металлист» (Харьков) — «Олга» (Фрунзе) — 2:0, «Металлург» (Липецк) — «Спартак» (Оржоникидзе) — 2:0, «Локомотив» (Москва) — «Спартак» (Нальчик) — 2:0, «Текстильщик» (Иваново) — «Торпедо» (Кутаиси) — 2:0, «Шинник» (Ярославль) — «Металлург» (Запорожье) 1:1 (11-метрли тўплар ҳисоби 3:5), «Шахтер (Караганда) — «Крылья Советов» (Куйбишев) — 1:0, «Черноморец» (Одесса) — Нефтчи» (Боку) ўйини 12 июнга кўчирилди.

* * *

РСФСР футбол федерацияси иккинчи лига (олтинчи зона) командалари ўртасида 4 июнда бўлиб ўтган мамлакат биринчилиги ўйинларининг натижаларини хабар қилади:

«Зауралец» (Курган) — «Нефтяник» (Тожикистон ССР Ленин райони) — 4:1, «Нефтяник» (Тюмень) — «Автомобилист» (Термез) — 1:1, (11метрли тўплар ҳисоби — 6:5), «Спартак» (Семипалатинск) — «Труд» (Жиззах) — 3:2, «Восток» (Усть-Каменогорск) — «Янгиер» (Янгиер) — 1:0, «Трактор» (Павлодар) — «Янгиариқ» (Янгиариқ) 1:0, «Динамо» (Целиноград) — «Олатау» (Жамбул) — 0:1, «Автомобилист» (Қизил Ўрда) — — «Андижанец» (Андижон) — 3:2, «Енбек» (Жезқазган) — «Нефтяник» (Фарғона) — 2:0. (ТАСС).

„ЭРКАКЛАРНИ АСРАНГ!..."

Сами АБДУҚАҲҲОР.

ФЕЛЬЕТОН

Наманган областининг айрим колхозларида колхозчилар, табелчилар, механизаторлар шу долзарб кунларда колхозлар далаларида ишламай, Наманган бозорида ўз сабзоватларини сотиш билан оворалар...

Яқинда ўқувдим «Литгазета»да,
«Эркакларни асранг!» дебди муаллиф.
Очиғини айтсам Наманганда, ҳа,
Амалга ошмоқда бу қизиқ танлиф...
Ҳозирги иш қизғин, долзарб паллада,
Наманган юртида биз бўлдик меҳмон.
Қимирлаган жон бор, бари далада,
Барака уруғин ўстирар деҳқон...

Лекин, далаларга хайронмиз боқиб,
Лоладан ёйилган хотину-халан.
Бири — университ, бири гул тақиб,
Ўк ариқ оларди қулоч ва қулоч...
Ҳув ана, сулув қиз меҳрини бериб,
Мурғак ғўзаларни парвариш этар.
Шу ғўзадан ейди ризқини териб,
Шу ғўзадан донги оламга кетар...
Еш-қари аёллар ишлар ҳамжиҳат,
Қўйш бошларида гулгун бир рўмол!..
Эрканлар далада кўринмас фақат,
Шу нарсадан, дўстлар, хайронмиз ва лол...

Эрканларни излаб бордик бозорга,
Наманган бозори гавжум ва обод.
Дуч келдик растада Абдуназарга,
(Имомназар ўғли). Кўришдик биз шод...
Янгиқўрғон деган райондан экан.
«Узбекистон» номли колхоз аъзоси.
Иш қизғин паллада очибди «дўкон»,
Қўлида тинмасдан ўйнар тарози...
Шу район. Навоий номли колхозидан,
Механизатор келиб сотмоқда сабзи.
Дадахон Давлатов — сўранг ўзидан:
Бозорнинг пайтини, қани чин ҳабзи?!

Яна шу районнинг Ильич колхози,
Маҳмуджон Ғофуров табельчи экан!
Бозорда янграйди ҳайқирган сўзи:
— Кеп қолинг, борми, ҳой, картошка деган!...
Тракторчи экан, Тўрақўрғондан,
Исми — Абдураҳим Ғофуров эрур.
У бўлами колхоз «Узбекистон»да?
Қачон кўрманг гурунч растада турур...
Мана, қатор-қатор «чорбозорчи»лар,
Далада ишламай шаҳар кезади.
Наманган, уйчили бу колхозчилар,
Меҳнат интизомин нега бузади?!
Токай ардоқланар бундай эрканлар,
Дала безасин-да темир билаклар!...

Редактор М. ҚОРИЕВ.

АХБОРОТ

ХУШХАБАРЛАР

ТРАНСПОРТ

ПОЕЗДЛАР ҚАТНАЙ БОШЛАДИ

Урта Осиёни Марказ билан боғлайдиган иккинчи дарвоза — Қўнғирот — Бейнов темир йўли фойдаланишга топширилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозир темир йўл орқали пассажир поездлари қатнай бошлади. Куни неча Ашхобод — Москва тезюрар пассажир поезди Қўнғиротдан Москва томон йўл олди. Энди мана шу йўлдан Москва — Душанба, Душанба — Москва, Тошкент — Бейнов, Бейнов — Тошкент пассажир поездлари қатнайди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

КИНО

«ЙИЛНИНГ ТЎРТ ФАСЛИ»

Узбекистон илмий оммабоп ва ҳужжатли-хроникал фильмлар киностудиясида «Биз — ватанпарвар интернационалистларимиз» деган рангли ҳужжатли лента суратга олиниб бўлди. Бу фильмда яқинда республикамиз пойтахти Тошкентда бўлиб ўтган республика ёшлар фестивали ҳақида ҳикоя қилинади. Фильмни режиссёр-операторлардан Д. Салимов, Д. Рўзиев ва И. Гибалевичлар суратга олишди.

Киностудия коллективи «Чирчиқ — нур дарёси» деб номланган ҳужжатли фильмни ҳам ниҳоясига етказди. Бу фильм Чорвоқ ГЭСининг қурилиши, унинг ишчилари ҳақида ҳикоя қилади.

Студиянинг бир группа ижодкорлари «Йилнинг тўрт фасли» номли рангли тўла метражли илмий-оммабоп фильмни суратга олишга тайёргарлик кўраётирлар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

САВДО

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Тошкент область Пискент район матлубот жамияти коллективи дала меҳнатчиларига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаяпти. Шу кунларда колхоз ва совхоз лар шийпонларида сотувчисиз дўкон — пахтакорларга хизмат кўрсатаётир. Пойафзал, кийим-кечак ва озиқ-овқат билан савдо қиладиган кўчма магазинлар колхозчилар ишлаётган жойларга бормоқда. Никита автодўкон колхоз далаларида савдо қиляпти.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

* * *

Редакциямизга намангамлик Т. СУЛАЙМОНОВ, Ф. ЯУЛЧИЕВ, андижонлик А. МУХТОРОВ, С. МУҲИДИНОВ, тошкентлик А. ОҚҚУЗИЕВ, О. БОТИРОВ, самарқандлик О. ШИРИНОВ ўртоқлар ҳам шундай хушхабарлар йўллаганлар.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 17.25 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.40 —Мультфильм. 18.20. — Беш йиллиқнинг ҳал қилувчи учинчи йили. 18.45 — Бокс бўйича Европа чемпионати (Москва). 19.30—Ахборот. 19.45 — Шеърият муҳлисларига. 19.50—Ахборот. 20.15 — Ҳам пахта, ҳам гўшт. 20.55 — Маҳмудали Бойбоев ва Ҳалимжон Жўраев куйлайди 21.25—«Вақт». 21.55 — Экран куйлари. 22.45— Журъат (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.25 — ТОШКЕНТ. 10.30 — Звёздочка. 11.05 — Алёнка (бадиий фильм). 12.30 — МОСКВА. 18.45 — «Замандас» (Тошкент). 19.30 — Ҳинди-Хитой— тинчлик йўлида (телефильм). 20.35 — Жума ва душанба кунлари оралиғида (телефильм). 21.25— Телефильм (Тошкент). 21.55 — Москвада II халқаро балет конкурсининг очилиши. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00—Тошкент янгиликлари. 19.15 —Қаердасан, Ахмад (бадиий фильм). 20.50—Фильм-концерт. 21.10 — Қаерга бориб ўқиш керак? 21.30—Биринчи муҳаббат (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/VI да Севилья сартароши.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қонун қонунлигича — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Чунки улар бир-бирларини севардилар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун) Пойгачилар — «ВОСТОК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун), ЧАЙКА (кундуз соат 1.30, 5 кеч соат 8.30 минутда), «МОСКВА» (кундуз соат 3, кеч соат 7 да).

Инсон ёлғиз эмас — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Сервиқор оилалар (эрталаб соат 10, 11.40, кеч соат 9.20 минутда), Дайди (кундуз соат 1.30, 4, кеч соат 6.40 минутда) — НАВОИЙ номли.

Сакраш ҳуқуқи — «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Мўлжалга ур, Асунта! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Хотинининг номуси — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Хотирдан ўчмас — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Тешириш менга топширилган— «МОСКВА» (эрталаб соат 11.30, кундуз соат 1, 5 кеч соат 9 да).

Кашмирдаги севги — «ДРУЖБА» (кундуз соат 12, 3, 5,40, кеч соат 8.20 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА

Пойгачилар — (кеч соат 8.50 минутда) — Сакраш ҳуқуқи (кеч соат 10.30 минутда) — «ФЕСТИВАЛЬ».

Инсон ёлғиз эмас — ХИВА.

Адрес: Ер планетаси — КИРОВ номли.

Музикали воқеалар, Ез уйқулари — ТЕЛЬМАН номли.

1-ТОШКЕНТ ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ 1973—1974 ўқув йили учун кундузги ва сиртқи бўлимларга қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

саноат ускуналарини монтаж қилиш ва ремонт қилиш, металларни кесиб ишлаш, саноат ва граждан қурилиши.

Ўқиш муддати кундузги бўлимда — 3 йил 10 ой, сиртқи бўлимда — 8 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун 4 йил 6 ой, 10 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун 3 йил.

18-30 ёшдаги (сиртқи бўлимга — ёшидан қатъий назар), намида 8 синф ҳажмида маълумоти бўлган ва камида III разрядли слесарь, токарь, қурувчи мутахассисликларидан бирига эга бўлган, билим юртини битиргандан сўнг камида бир йиллик, ишлаб чиқаришда ишлаётганлар учун — камида 2 йиллик иш стажига эга бўлганлар қабул қилинади.

Техникумга кирувчилар математика ва рус тилидан ёзма имтиҳонлари топширадилар ҳамда кундузги ва сиртқи бўлимларнинг танланган мутахассислик бўйича разряд олиш учун малака даражаси бўйича иш топширадилар — 1 августдан 20 августгача.

Техникумга қабул қилинганлар 3 маҳал иссиқ овқат, ёзги ва қишки кийим-кечак, иш кийими, махсус пойафзал, ётоқхона (бошқа шаҳарликлар), стипендия билан таъминланадилар.

Аризалар техникум директори номига 31 июлгача қуйидаги адрес бўйича топширилади:

Тошкент шаҳар, Сарикулъский тупиги, 1-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

1973-1974 ўқув йили учун фармацевт мутахассислиги бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 4, 5 йил.

Ҳужжатлар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади:

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача, студентликка қабул қилиш 21 августдан 25 августгача.

Ариза институт ректори номига ёзилади. Аризага етуклик аттестати ёки ўрта махсус ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги диплом (асли), сўнгги ўқиш, иш ёки хизмат жойидан характеристика, 5 дона фотосурат (3х4 см), 286-формадаги медицина справкасини қўшиб топширилади.

Булардан ташқари, иш стажига эга бўлганлар меҳнат дафтарчасини ёки муассаса ва корхона раҳбарлари томонидан тасдиқланган нусхасини топширишлари лозим.

Ҳужжат топширилаётганда паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани шахсан кўрсатадилар.

Институтга кирувчилар химия (оғзаки), физика (оғзаки), биология (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма) дан имтиҳон топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 35-уй.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИНИНГ КООПЕРАТИВ ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ 1973—1974 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ 1. Ошпаз кулинарлар. 2. Официантлар. 3. Заготовителлар. 4. Озиқ-овқат магазинлари учун контролёр-нассирлар тайёрлайди.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 1. Ошпаз-кулинарлар ва официантлар учун 2 йил.

2. Контролёр-кассирлар ва заготовителлар учун 1 йил.

Билим юртига кирувчилар кириш имтиҳонисиз қабул қилинади.

Бир йиллик ўқиш муддатига 17 ёшдан кам бўлмаган йигит-қизлар қабул қилинади:

Икки йиллик ўқиш муддатига 16 ёшдан кам бўлмаган 8-10 синфни тамомлаган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ариза ва ҳужжатлар 1 июндан 20 августгача қабул қилинади.

Мандат комиссияси 24-25 августгача ишлайди.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ёзилган ариза; маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси), соғлиғи ҳақида справка (286-форма), учта фотосурат (3х4 см), меҳнат дафтари (кимда бўлса). Райпотребсоюз ёки Райпочтанинг йўллашма хати, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, ёки паспорт ва ҳарбий ҳужжати, турар жойдан справка.

Қабул қилинганлар стипендия билан таъминланади.

Билим юртидаги ўқиш муддати стажга қўшилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Цюлковский кўчаси, 325-уй, № 16 (Вокзалдан), № 20 (Олой бозоридан)- автобусларининг Жамият кооператив ҳунар билим юрти бекати, телефонлар: 66-04-28, 66-04-49.

ГЛИЭР НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МУЗИКА МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ республика областларидан қуйидаги синфларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб бориладиган 1-синфнинг қуйидаги музика асбоблари бўйича: фортепьяно, скрипка, виолончель.

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган 5-синфнинг ўзбек халқ асбоблари ва дирижёрхор бўлимига.

9-синфнинг вокал группасига.

Қабул қилиш имтиҳонлари 26 ва 27 июнда ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-95, 2-Чимбой кўчаси, (28, 34, 38, 40, 76-автобусларнинг «Студентлар шаҳарчаси» бекати), телефон 48-63-34.

Узбекистон ССР Маориф министрлиги коллегияси, Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари институт директорининг ўринбосари Ж. Икромовга отаси

Икромбой УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар—338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

№ 132. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 01496